Оила ва жамият
Oila va jamiyat
1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган
26 сон
26 июн — 2 июл 2003 йил
ҲАР ҲАФТАНИНГ ПАЙШАНБА КУНЛАРИ СИЗНИНГ БЕҒАРАЗ СУҲБАТДОШИНГИЗ

**27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни**

# ҚАЛАМИМ, БУНЧАЛАР ЯХШИСАН!



Журналист бўлиб, нимага эришдинг?

Шундай савол бергувчилар ҳам топилади. Тўғри, кўл билан тутиб, кўзкўз қилгулик ноёб бойлигим йўқдир. Лекин бойликдан ҳам қимматлироқ инсон ҳурмати, инсон эҳтироми деган буюк эътиқод бор-ку, дунёда.

Яқинда Фарғонага дўстим Фарғона шаҳар маорифчилари касаба уюшмаси раиси Муборак Қўлдошеванинг таваллуд кунига бордим. Одатдагидек эгнимда оддий матодан тикилган кўйлак, бошимда рўмол, кўримсизгина бўлиб, даврадан жой олдим. Атрофимда эса ялт этиб кўзга кўринадиган серсавлат аёллар кўп эди. Ҳамма тўплангач, мезбон ёшим каттароқ бўлгани учун биринчи бўлиб, мени таништирди.

- Матбуотга қирқ йил хизмат қилган опамиз...

Шу чоғ биласизми, кутилмаганда ҳамма менга қаради, эътибор билан кўзлари чақнаб қаради. Чеҳраларида ёруғ бир табассум, меҳр жилваланди.

- Сизни биламиз... Ёзганларингизни ўқиганмиз... Сизми, ўша...

Аёллар бир зумда руҳан яқинлашиб, ўз-ўзидан мароқли суҳбатларимиз бошланиб кетди...

Қудратингдан айланайин, қаламим, бунчалар яхшисан?! Менга тақдим этган эҳтиромингга қуллуқ, қаламим! Кўзларим уйқуга зор-зор бўлиб, тунлари бедор сен билан қолганим эвазигадир, бу? Иссиқда куйиб, Қашқадарё воҳасида кезганим мукофотидир, балким? Дарвоқе, у пайтларда мен йўл юришдан асло чарчамасдим. Иссиғу совуқдан қўрқмасдим. Бир марта енгди мени иссиқ. Июль ойи, туш пайти Қаршига етиб бориб, яна 70-80 чақирим йўл босиб, Шаҳрисабзга жўнадим. Иссиқ элитиб қўйди. «Саодат» журналига ёзажак қаҳрамоним Фаёза Ҳақназарованинг уйига аранг етиб олиб, чўзилиб қолдим. Нақадар ноқулай. Қани энди, кўзимни очолсам, туз тотолсам. Журнал топшириғи нима бўлади, энди, деб ўртанаман. Бош муҳарриримиз Зулфия опа кутаяптилар. Тикон устида ётибман, денг.

Фаёза опанинг қайнонаси меҳрибон аёл экан. Фақат қатиқ, фақат гуручнинг суви ва аллақандай туркана дорилар билан мени даволади. Эртасига эрталаб, ўзимни ердан узиб, юрагим баргдек титраётганини сездирмай, Фаёза опа билан унинг ишхонасига жўнадик.

Қайтишда яна поездда, худди товада қоврилгандек, Тошкентга етиб келдим. Ёстиққа суяниб ўтириб, ёздим. Шукр, улгурдим. Устознинг раҳматларини олдим...

Касбим ато этган масъулият, бурч мен учун буюк қонун эди, қонун!

Қиш чилласи тонг саҳарда Марғилондан қайтиб, икки яшар ўғилчамнинг ҳўл ўринда музлаб ётганини кўрдим. Дадаси ҳам уйқуда. Ўғилчамни иссиқ бағримга олдиму совқотган юмшоқ жойларини силаб-сийпалаб, юм-юм йиғладим. Қайнонам ёки онам йўқлигидан ўксиб-ўксиб йиғладим. Касбимни ўлгудек севиб, шу қиш чилласида ҳам уйда тиниб ўтирмаганимга ўзимни койиб-койиб, йиғладим. Бас, энди сираям сафарга бормайман, бормайман, деб қаттиқ аҳд қилдим. Марғилонлик ипакчи аёл ҳақида ёзганларимни бош муҳарриримиз Зулфия опа мақтаб, журналга топширгач, сўрадилар: "Навбатдаги журналга нима ёзасиз, Санъатхон? Қайси вилоятга борасиз? Эртагача ўйлаб келинг-а?"

Тамом! Яна аҳду паймонларимни унутардим. Яна бошқатдан ҳаяжонли орзулар туғилиб, янги қанот ўсиб чиқарди-ю учишга шайланардим.

Турмуш ўртоғим, ҳамкасбим Бекмирза акага ("Муштум"да ишлаганлар) яхши гапириб, бир эмас, икки-учта оқ кўйлагини ювиб, дазмоллаб, қўярдим-да, икки ё уч кунга рухсат сўрардим. Тўғри, у-бу дерди, гоҳо жаҳли ҳам чиқарди. Лекин менга ишонгани, касбимни севишимни тушунгани учун ҳам ҳеч қачон йўқ, деёлмасди.

Шукр, касбим тақозоси билан азиз Ўзбекистонимнинг бепоёнлигини кўрдим, кўп мукарраму азиз аёлларнинг ҳаёт ва меҳнат мактабидан озми-кўпми ўргандим.

Қани энди ҳаёт абадий бўлса, яна йўл юрсам, йўл юрсам ҳам мўл юрсам. Йўл, сира тугамаса... Ачинмайман. Сира-сира армоним йўқ.

Армоним йўқлигига яна бир сабаб, набира қизим Сайёра Жўраева изимдан бораяпти. Бундан қирқ йил олдин мен сабоқ олиб, хайрлашган қадрдон даргоҳ-миллий университетнинг журналистика факультетида ўқимоқда. Илоҳим унинг қалами менинг қаламимдан кўра журъатли, ўткир бўлсин! Мен ёзолмаганларни у ёзсин. Мен айтолмаганларни у айтсин. Мен етмаган манзилларга у етсин! Бирдан бир эзгу тилагим шу!

Узр, азиз ҳамкасбларим, сизларни муборак байрамимиз билан табриклаш баҳонасида жиндек мақтаниб юбордим. Ниятим холис. Мен меҳнаткаш одамларни, касбимни юрагим куйиб-куйиб севганим учун ҳам шу гапларни айтдим.

Байрамингиз муборак бўлсин! Илоҳим ҳар бир журналист айтар сўзини баралла айтсин. Машаққатли йўлда сира орқага чекинмасин! Ва одамларнинг эҳтиромига сазовор бўлсин!

**Санъат МАҲМУДОВА**

*Матбуот ходимлари байрамига бағишланган мақолаларни газетамизнинг 2,3,13 саҳифаларида ўқийсиз.*

# ДУНЁДА ТОПГАН ДУНЁМ



**Фарзандлар билан биргаликда спортнинг энг қадимий турларидан бири шахматда куч синашиш мақоламиз қаҳрамони Дурдонахон (чапдан иккинчи) ва умр йўлдоши Омонулла Алимов оиласида одат тусини олган.**

***Андижон вилояти тиббий меҳнат экспертизаси шифокори Дурдона Алимова билан хизмат сафарига борганимда танишиб қолдик.***

***- Дурдонахон, мана, сиз тинч, осуда бир оиланинг бекаси экансиз. Турмуш ўртоғингиз Омонулла Алимов олий маълумотли, қўлида касб-кори, жамиятда ўрни, дўсту биродарлари орасида обрўси бор бир инсон экан. Гимназия ва мактабларда фақат аъло баҳога ўқиётган 3 нафар фарзандни тарбиялаётган экансиз. Шундай хотиржамликни ҳамма оила ҳам орзулайди. Фақат эр-хотинининг ўзи шундай кайфият, шундай иқлим ярата оладими?***

- Ҳар бир оиланинг бахти, бахтсизлиги илдизлари жуда узоқдан бошланади. Ўзим ҳақда ўйлаганда раҳматли дадамни эслайман. Темирйўлчи эдилар. Узоқларга қатнардилар. Доим бизга китоб совға олиб келардилар. Дадам аямга: "Салимахон, бу китобларнинг биттасига бир "Волга" беради", - деганлари эсимда. Биз 4 та опа-укалар оила ва мактабдаги ютуқларимизга қараб дадамиз тарафидан китоб билан тақдирланардик. Ҳозир ўйлайман. Агар дадам ёшлигимиздан китобга меҳр уйғотмаганларида мен ким бўлардим? "Қиз боланинг пешонасига берсин. Биттасига тегиб, тинчиб кетса, басда", - дейишиб, наридан-бери сеп қилиб узатган билан қиз бола бахтини тополмаслиги ҳам мумкин. Аввало қиз бола ҳаётида ўз йўлини топиб олиб, кейин турмуш қуриши керак. Ўзининг сўзи, сўзига ишончи бўлиши зарур, йўқса у оиласида қадрланмаслиги мумкин.

***- Сиз шунинг учун институтни тугатиб, бироз ишлаб кейин турмуш ҳақида ўйлагансиз-да. Баъзилар: "Қиз боланинг ёқимли кўринадиган бир фасли бўлади, ўшанда совчи келади. Шунда омади чопмаса, ўтириб қолади", деб чўчишади...***

- Мен негадир: "Ўзимдан камида 7-8 ёш катта йигитга турмушга чиқаман", деб ўйлардим. Чунки оилада эркакнинг нуфузи, топиш-тутишининг яхшилиги кўп нарсани белгилайди. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган, аёли, фарзандларига суянчиқ бўла оладиган эркак - аёл учун ярим бахт. Биз Омонулла акам билан тўйда танишдик. Биринчи учрашувда шу қадар жиддий суҳбатлашибмизки, тарихий бир конференция материаллари ҳақида сўзлашибмиз.

***- Ҳаётингизда онангизнинг қайси ўгити асқотди?***

- Уйингдан кўчага, ҳатто, меникига ҳам сир ташима!

***- Эрга доим қулоқ солиш, айтганини маъқуллаш Сизнинг ички эркингизни чекламайдими?***

- Йўқ, руҳан жуда яқинмиз. Эр-хотин дўстмиз, десам, балки, ғалатироқ туюлармикин?

***- Болаларга қаттиққўлмисизлар? Режим асосидами кун тартиблари?***

- Инглиз тили ўрганишади, компьютер, шахмат ўйнашади, кроссвордлар ечишади - шу машғулотларнинг ўзи уларни режимга тушириб қўйган. Ҳар ҳолда деворга кун режимини ёзиб, илиб қўймаймиз-у, кечқурун сезилар-сезилмас "Текширув" бўлади.

***- Беҳос айб иш қилса, қандай жазолайсиз? Ё бу вазифа дадалари зиммасидами?***

- Дадалари билан кўпроқ дарс қилишади. У киши табиий фанларни яхши биладилар. Мен уриб-сўкиш тарафдори эмасман. Бироқ яхши кўрган нарсаси - масалан, кино кўришми, футбол ўйиниданми бирон марта маҳрум қилмаганман.

***- Катталарингиз қиз экан. Онанинг қиз бола олдидаги бирламчи бурчи нима деб ўйлайсиз?***

- Тозаликка ўргатиш. Ўзини, уйини, ўчоқбошисини, тилини покиза тутсин.

***- Сиз дадангиз уйғотган китобга меҳрни бахтингиз асосига қўйяпсиз. Вақти келиб, кимдир қизларингизга шу саволни берса...***

- Бизнинг боғимиз бор. Мевали, мевасиз дарахтлар, гуллар ўсади. Дадаси бир дақиқа бўш вақт топса, болаларни етаклаб боққа кетади. Тўртовлон астойдил, тер тўкиб ишлашади. Ҳар дарахтнинг гуллагани, мева туккани уларга катта қувонч. Менимча, дадаси уларга илм заҳматига қўшиб ер меҳнатини ўргатади, ерга меҳр уйғотади.

***- Дурдонахон, қизларингиз малика, ўғлингиз элга эга бўлиб улғайсин.***

**Қутлибека РАҲИМБОЕВА**
**суҳбатлашди**



## ГАЗЕТА — БЕҒАРАЗ ДЎСТ

***Яқинда қишлоқдошим 80 ёшли кекса отахон Шариф бобо Тиллаев келиб, менинг "Оила ва жамият"да босилган "Қарз қиёматга қолмасин" мақоламни ўқиб беришимни илтимос қилди. Ўқиб бердим. "Шу газетани менга беринг, қариндошимиз Ғиждувонда яшайди. Унинг 2-3 кишидан қарзи бор. Зора шу мақолангизни ўқиса-ю, қарзларини берса", - деди. Мен газетани бериб юбордим.***

***Орадан кўп ўтмай отахон ўша қариндоши битта қарзини узганлигини айтиб қолди. Отахонга: "Тез кунда қолган қарзларни ҳам узаман", - деб ваъда берибди. Мана мақоланинг, газетанинг кучи! Демак, газетадаги ҳар бир мақола изсиз кетмайди. Ўзининг амалий акс-садосини беради.***

***Уй - рўзғор юмушлари, томорқаларда ишлашдан сўнг, газета варақлайман. Ўқийман, изланаман, Мақолалар ёзаман. Газета-китоб жону дилим. Улар беғараз дўст. Ҳаётдан чарчаб, нолиган пайтларим ҳам бўлади. Шундай дамларда газета ўқийман. Бор ташвишу чарчоқларим ёзилади.***

***Фурсатдан фойдаланиб қишлоқдошларим номидан барча матбуот ходимларини касб байрамлари билан муборакбод этаман.***

# ОДАМНИНГ ТАФТИНИ ОДАМ ОЛАДИ



Ҳовлимиз йўл ёқасида жойлашган. Бу йўлда машина, одамлар қатнови тўхтамайди. Дарвозамиз яқинидаги йўлакчада темир каравот қўйганман. Кўрпачани тўшаб, чойнакчага аччиқ чой дамлаб, секин газета варақлайман. Ўтган-кетганни чойга таклиф қиламан. Ҳамқишлоқлар билан бир пиёла чой баҳона ҳаёт ташвишлари, қувончлари, фарзандлар тарбияси, оила ва жамиятда содир бўлаётган воқеалар хусусида суҳбатлашиб, дилдаги гапларимиздан бир-биримизга сўзлаб, юракни бўшатамиз. Халқимизда: "Одамнинг тафтини одам олади",- деган мақол бор.

Йўлда кетаётган 80 ёшлардаги Шариф бобо Тиллаев мени кўрди-да, шу томонга бурилди. Саломлашиб, у кишини каравотга таклиф қилдим. Бир пиёла чой узатдим.

### "ТИЛЛА БОБО"

Шариф бобо... Мачитга қоровуллик қиладиган бу отахонни қишлоқда ҳамма "Тилла бобо" деб аташади...

Бунинг боиси бор. Бобо билан қанча суҳбатлашсангиз, тўймайсиз. Кўпни кўрган, ҳаётнинг барча қийинчиликларини бошидан кечирган ажойиб, камтарин инсон. Ота-онасидан ёш етим қолган Шариф бобони холалари, тоғалари тарбиялаган. Қариндошлари уни мактабга юбормасдан ишлатишган. Ниҳоятда уста сувчи бўлган. Аммо меҳнатни Шариф бобо қилиб, икки марта ҳам орденни бошқа киши олган...

Тўйларда чой қайнатган, катта қозонларда ош дамлаш учун ўчоқ қазиган ҳам шу - "Тилла бобо". Қишлоқ чеккасида жойлашган кичкина масжидни ҳар куни супуриб-сидиради, мевали дарахтлар, гулларни парвариш қилади. Хуллас, масжидга кирган кишининг баҳридили очилади...

- Домла, ана у токнинг ёнидаги дарахтни олинг-да, бошқа жойга ўтказинг. Ток яккаликни хоҳлайди. Якка бўлса, ердан яхши озуқа олади, узуми серҳосил ва ширин бўлади, - дейди Тилла бобо самимийлик билан.

- Хўп бўлади, - дедим.

- Эрталабки нонуштадан сўнг, мол-ҳоллардан хабар олдим. Оғилни тозаладим,- деди отахон гапларида давом этиб.

- Болалар, набиралар-чи?

- Набиралар ҳам чойни апил-тапил ичади-да, шошиб ишга отланади. Келинлар қозон-товоқ, уй супуриш, сидириш билан овора. Ўзим ҳам рўзғорга, томорқаларга қарамасам ҳаётимда мазмун бўлмайди. Тирик жонман ахир, еб ётавераманми?!

Ахир бу йилни президентимиз "Обод маҳалла йили" деб атаганларку. Йўллар, кўчалар, ҳовлимиз обод бўлса, юрт обод бўлади.

- Ўғил-қизларим, набираларимга насиҳатлар қиламан. Ниҳол ўтказинг, парвариш қилинг, одамларга салом беринг, қўлларингдан келганча яхшилик қилинг, китоб ўқинг, билимли бўлинг, ҳунар ўрганинг, дейман-да, домла. Фарзандларим бахтини кўрай дейман,- дейди отахон.

Шу пайт яна бир отахон суҳбатимизга келиб қўшилдилар. Бу киши ҳам 80 ёшга яқинлашган Иззат бобо Нутфуллаев.

### «ҲАҚИҚАТЧИ БОБО»

Иззат бобони ҳамма «Ҳақиқатчи бобо» дейишади. Бундай деб аташга сабаб, у колхозда кўп йиллар ҳисобчи бўлиб ишлаган. Бир куни раис қўшиб ёзишга доир ишларни расмийлаштиришни Иззат Нутфуллаевга топширган. "Мен бу ишни қилолмайман, охири вой бўлади",- деса: "Сиз қиласиз шу ишларни, бўлмаса бўшатинг ўринни",- деган раис. "Майли, бўшасам бўшайману, аммо сохталикни, ошириб ёзишни уддалай олмайман", - деб айтгану аризасини ёзган. Орадан кўп ўтмай, ўша раис суд столида ўтириб жавоб бераётганида Иззат бобо Нутфуллаев залга кириб, унга салом берган. Раис ва бошқа кишилар бир неча йилга қамалиб кетишди. Бу гапни бутун қишлоқ аҳли ҳалигача гапириб юради...

«Ҳақиқатчи бобо»нинг шу номга сазовор бўлишига яна бир воқеа сабаб бўлган. Бир оила аъзолари туҳмат қилишади-ю, айрим нопок шахслар аралашуви билан, уни 15 кунга қамашади. Отахон у ердан чиққач, Ўзбекистон Олий судига ариза ёзади. Аризаси текширилгач, уни ноҳақ қамаганлар ишдан олинади, туҳмат фош этилади.

Иззат бобо Нутфуллаев Бухорода, Ғиждувонда, ўзи туғилиб ўсган "Зарафшон" хўжалигида ҳисобчилик қилди. Тинмай кеча-кундуз меҳнат қилди ва нафақага чиқди. Раис эса ўз ишининг моҳир устаси бўлгани учун уни ҳужжатларни китоб қилувчи ишга қўйган.

- Ишдан келаяпсизми? - сўрадим Иззат бободан.

- Ҳа, ишдан келаяпман, бироз шамоллабман, мазам йўқроқ, - деди отахон.

- Энди ишламасангиз ҳам бўлади-ку! Сиз билан янгани ўғил-набиралар боқар, - деди Шариф бобо.

- Боқишга боқадику-я, лекин ўзим ишсиз туролмайман. Ҳозирги кунда бир набирамга шу ишимни ўргатяпман. Бу ишни ҳамма ҳам эплайвермайди. Тумандаги турли ташкилотлар чақиришади. Бориб ҳужжатларини китоб қилиб бераман. Ҳа, қарилик қурсин, энди билинаяпти. Бир кун тетикман, бир кун эса... Худога шукр, фарзандларим, набираларим қобил бўлиб етишяпти, улардан розиман,- дейди отахон фахр билан.

### ЗОКИР БОБО ИЗТИРОБЛАРИ

Қўшни қишлоқлик Зокир бобо (номларини ўзгартирдим) қўлларида ҳасса билан, секин-секин келаётган эди, чойга таклиф этдим. Зокир бобо 65 ёшларга яқинлашган, соч-соқолли, юзидан нур таралиб турувчи киши. Ҳаммамиз кўришиб бўлгач, ҳол-аҳвол сўрадик. Бир пиёла чой узатдим. У киши чойни аста ҳўплар экан, салмоқланиб сўз бошлади:

- Идорадан келаяпман, раисга учрашмоқчи эдим, - дея "уф" тортди.

- Раисда нима ишингиз бор эди? - дедим мен.

- Эй, домла, бир товуққа ҳам дон керак, ҳам сув керак, деганларидек оиламга битта менинг нафақам етишмаяпти. Еб-ичишга тоғ ҳам чидамас экан. Қаричилик, қўлимдан ҳеч иш келмайди. Ўғлимнинг эса парвойи фалак, рўзғор билан иши йўқ. Ҳеч қаерда ишламайди. Келиним ҳам набирамнинг парвариши билан банд. Кампир тез-тез касал бўлаяпти. Ўзим ҳам бел оғриқман. Қизларим ўз рўзғорлари, ташвишлари билан банд. Раисдан бироз ёрдам беришларини илтимос қилмоқчи эдим.

- Навоийдаги ўғлингиз бир катта ишда ишлайди деб эшитгандик, у ёрдам бермайдими? - сўрашди отахонлар.

- Э, ўзларингиз биласизлар у ўғлим биринчи хотинимдан. Уни Самарқандда ўқитдим, агроном бўлди. Уйлантирдим. Ҳозир онаси билан туради. Аммо бизни кўргани кам келади. Кампирим уни жон-дилидан яхши кўради. Ҳар замонда бир келади-да, бир пиёла чой ичар-ичмас ишим кўп деб, кетишга тушади. Бундай: "Рўзғорингиз бутми, етишмовчилик йўқми", - деб юракдан сўрамайди. Кейинги пайтларда майда-чуйда келтириб бозорда сотардим, чой пули қоларди, рўзғоримни тебратардим. Мана 4-5 ойдирки, қаттиқ шамоллаб, бел оғриғига дучор бўлдим. Яқинда ҳоким ўғлимга: "Бир келиб кет", деб телефон қилдим. Бир-икки кун ўтиб, сўппайиб кириб келди:

- Дада, тинчликми, нега чақиртирдингиз?,- дейди.

- Ўғлим, сал рўзғорда қийналяпман. Бироз пул берсанг, яна бозорда майда-чуйда сотиш билан шуғуллансаму, кейинроқ пулингни қайтарсам,- дедим минг бир истиҳола билан. Отахоннинг хўрлиги келди чоғи, йиғлаб юборди.

Ҳаммамиз жим бўлиб қолдик. Чойдан бир култум ҳўплади-да, яна суҳбатини давом эттирди:

- Ўғлим нима деб жавоб қайтарди, денг, азизлар.

- Нима деб жавоб қайтарди?

- Ота, мен ҳозир иморат қилаяпман, уни битказишим шарт. Ахир 3 та ўғил набирангиз бор. Уларнинг ҳар бирига ҳозир алоҳида ҳовли қурмасам, қачон қураман? Ҳозир отдаман. Ҳамма соямга салом беради. Эрта мансабдан тушсам, ким мени ҳурмат қилади? Набираларингизга биттадан машина олиб қўйишим зарур. Энди сиз, онам билан яшаганингизни яшадингиз, ошадиганингизни ошадингиз. Бироз сабр-бардошли бўлинглар. Укам ишласин, топсин, Сизларни боқсин, нафақаларингиз етарли-ку! Бунинг устига невараларингизни ўқишга жойлаштиришим керак. Буларни ўзи бўладими? Майли, янаям ўйлаб кўраман", - деди-ю уйига жўнаб кетди.

- Эй, хафа бўлманг Зокирбой. Ёшлар сизу бизнинг қадримизга етгунча ҳали кўп қовун пишиғи бор, - дедик биз унинг кўнглини кўтарган бўлиб.

Зокир бобо яна ўйловга ботди. Унинг юрагидан, қалбидан кечаётган ҳис-туйғулари менга аён эди. Чунки бундан 38 йил бурун бирга армия хизматига жўнаганларимиз, Зокирнинг уйланганлиги, бир боласи борлиги, хизмат йили охирида онасидан хат олиши, келинининг хиёнат қилганини ўз кўзи билан кўргани ва уйдан ҳайдаб чиқарганидан хабардор эдим. Ниҳоят Зокирбой армиядан келгач, бошқага уйланганди. Бу аёлидан 6 та фарзанд кўриб, ҳаммасини уйли-жойли қилган. Аммо кенжа ўғли сал нобопроқ чиқди-да. Ота қанча насиҳат қилмасин ўқишга кирмади. Ота пул сарфлаб ўғлини ҳарбий хизматдан олиб қолди, уйлантирди. Мана энди 3 фарзанди бўлса ҳам ишга бўйни ёр бермайди. Меҳнат ёқмади. Отаси эса 1965 йилдан бери ҳалол меҳнат қилиб келди. Энди кексалик...

- Сигирни сотсам, набираларга жавр бўлади-да, жўралар, - дейди у.

- Хафа бўлманг, Зокирбой, рўзғор ғор дейишади. Ана, буғдойлар ҳам етилаяпти. Ўғлингиз ҳам инсофга келиб қолар. Ҳеч бўлмаса, бизлар ёрдам берамиз. Қанча керак, айтинг? - деди Иззат бобо.

- Йўғ-е, сизларга бир кўнглимни бўшатдим-да. Сирдошим, суянганим фақат кампирим. Қўлимдан келганча унга рўзғор юмушларига ёрдам бераман. Набираларга қарашаман. Бўш қолсам далага чиқиб, бригадирга, тракторчиларга, қайси ернинг қаери баланд-пастлигини кўрсатаман. Қишлоғимиз ободончилиги учун ўз ҳиссамни қўшиб юраман-да, ишқилиб. Тўй ва маъракаларни кам чиқим қилиб ўтқазиш учун панд-насиҳатлар қиламан. Кимлардир гапимдан ранжийди, кимдир тўғри хулоса чиқаради...

Сизларга ҳаётимни сўзлаб бериб анча юрагим бўшади, - деди Зокирбой бир оз ўзига келиб...

Ҳа, ҳаёт курашдан, интилишдан иборат. Яхши умр кечириш учун эса ҳалол меҳнат қилиш зарур.

***Қадрли ёш газетхонлар! Сизларга уч қариянинг ҳаёт тарзидан озгина ҳикоя қилдим, холос. Бу ҳикоялардан тўғри хулоса чиқариш ўзларингизга ҳавола.***

**Ғайбулла АБДУЛЛАЕВ**
**меҳнат фахрийси**
**Бухоро вилояти**
**Ғиждувон тумани**
**«Зарафшон» ш.\х.**

**27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни**

*Кутлов*



# ДИЛБАРЛАРДАН БИРИ

Халқимиз “Дилбар” исмини яхши кўради. Ҳар хонадон, ҳар маҳалланинг ўз Дилбари бор. Шеърларига “Дилбар Бону” дея исм қўйиб ёзадиган Дилбар Ҳайдарова ҳам шулардан бири. Ҳар гулнинг ўз иси, деганларидай Дилбар Бонунинг ҳам ўз нафаси, ўз ифодалари бор.

Мен уни йигирма йиллардан буён биламан. Дилбар “ҳамма қатори”, “баҳоли қудрат” яшашга кўникмайди. У тақдирдан озми-кўпми шоирлик истеъдоди ато этилган инсон бошқача бўлиши керак, бошқача яшаши ва бошқача эъзозга лойиқ кўрилиши керак деб ҳисоблайди.

Шеър - бу жуда улкан изтироб. Уни доимий тортиш учун улкан юрак керак. Дилбар мустақиллик йилларида “Дилистоним”, “Муҳаббат фасли”, “Оққан дарё” каби 6 та китоб чоп эттирди. Дилбарнинг жуда кўп шеърлари Наманган боғлари, Наманган шоирлари, муаллимлари, тадбиркорлари, шифокорлари ҳақида. Бундан икки-уч йиллар аввал Дилбар Бонунинг Хоразм сафарлари таъсирида ёзилган бир туркум шеърларини ўқиб: “Ҳали Дилбарнинг яширин шеърий имконлари бор экан”, деб суюнган эдим. Ўйлайманки, энди бу имконлар юзага чиқади. Дилбар Бону бизни ҳаётий тажрибалари билан бойиган, салмоқли асарлари билан қувонтиради деб ўйлайман. У айни кунларда Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси Наманган вилояти бўлимининг раиси. Бу вазифа характери ҳам унинг ижодига янги йўналиш бериши шубҳасиз.

**ҚУТЛИБЕКА**
**шоира**

* * *

**БАРЧИН ТИЛАГИ**

**Урхо, деса отлар кишнаб,**
**Қиз туради лабин тишлаб.**
**Йигит, турма жилов ушлаб,**
**Оқ йўл сенга, шоҳсуворим.**

**Туёғидан ўт чақнаган,**
**Кўзларидан ел чатнаган.**
**Остонадан ёв ҳатлаган,**
**Оқ йўл сенга, шоҳсуворим.**

**Толесиз деб менга боқма,**
**Бўлар-бўлмас йўлга чопма.**
**Худ-беҳудга ёйинг отма,**
**Оқ йўл сенга, шоҳсуворим.**

**Карвон ўтса изи қолар,**
**Ё ўғилдир, қизи қолар.**
**Шох синса илдизи қолар,**
**Оқ йўл сенга, шоҳсуворим.**

**Бўйнимдаги бўйтуморим,**
**Ўғлинг ёзар бор хуморим.**
**Адашмасин Бойчиборинг,**
**Оқ йўл сенга, шоҳсуворим.**

**Худо менга тўзим берсин,**
**Қайтиб яна ўзинг берсин.**
**Элга ошу тузинг берсин,**
**Оқ йўл сенга, шоҳсуворим.**

**НАСТАРИН**

**Осмон бўлиб ўсиб**
**борар дил тоғи,**
**Гул тутганда яшаб**
**ҳар бир бутоғинг,**
**Гулларингга тўлиб**
**кетди кучоғим,**
**Лабларингдан ўпай**
**сени, настарин.**
**Бўй чўзади пойинг**
**узра майсалар,**
**Ёмғир ёғиб,**
**юзларингни чайсалар,**
**Фуркат ёниб айтган**
**“абру-найсон”лар,**
**Кел, бағримга босай**
**сени, настарин.**
**Сабо бўлиб,**
**юзларингни силайми,**
**Ҳар ғунчангда**
**кулгу бўлиб, унайми,**
**Ё нур бўлиб**
**пойингга тўкилайми,**
**Кел, дилимни очай**
**сенга, настарин.**
**Тиканлардан пора**
**бўлган қалбим бор,**
**Айтиб-айтиб йиғлагим**
**бор, кулгим бор,**
**Шохларингга**
**суянганча ўлгим бор,**
**Бор меҳримни**
**сочай сенга, настарин.**

**ДИЛБАР БОНУ**



***Сувратда: Газетамизнинг фаол муаллифларидан бири Ўзбекистон телевидениеси «Ёшлар» телеканали муҳаррири* Гулжаҳон МАРДОНОВА.**

*- Одамларга ўз дил сўзингни айтиш, шунингдек одамлар дил сўзини халқимизга етказишдан кўра қутлуғ иш борми? Шунинг учун ҳам ўз касб-корим билан фахрланаман,- дейди у.*

**Сувратчи: М. МИРСОДИҚОВ**

***Вилоятимиз ижодкор хотин-қизлари ўртасида назм, наср, проза, драматургия соҳалари бўйича танлов эълон қилинди. Буни қаранг-ки, “Оила ва жамият”да босилиб чиққан мақолаларим сабаб, ушбу танловда мен ҳам шарафли 2-ўрин соҳибаси бўлдим. Албатта, бу мен учун жуда катта ютуқдир. Қолаверса, бундай муваффақиятга эришишимда қадрдоним “Оила ва жамият” газетасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.***

***Матбуот ходимлари байрами муносабати билан севимли газетамиз жамоасини, юртимиздаги барча заҳматкаш қаламкашларни ўз номимдан, ҳамда жаннатнинг бир бўлаги бўлмиш гўзал ва ҳамиша навқирон Шаҳри Кешнинг саховатпеша ва меҳнаткаш халқи номидан қизғин муборакбод этиб, ижод йўлларида баркамоллик тилайман. Қаламингиз асло толмасин!***

# КЎРГАН, КУЗАТГАНЛАРИМ



Ҳаётда хотини кетма-кет қиз туққанидан ўксиб юрган эркаклар анчагина. Халқимизда “Қизи йўқнинг қизиғи йўқ, ўғли йўқнинг ўрни йўқ”,- деган нақл бор. Бу,- қиз бола ота-онасига меҳрибон, ўғил эса наслнинг давомчиси, деганидир. Қиздир, ўғилдир, уларнинг ҳар иккиси ҳам фарзанд.

Бир куни кўчада тасодифан ёшликда бирга ўсган бир дўстимни учратиб қолдим. Суҳбат асносида мен тўртта ўғлим борлигини айтганимда унинг кўзларидан ўт чиқиб кетгандай бўлди.

- Биз кетма-кет тўртта қиз кўрдик, - деди у. - Ҳадеб норози бўлиб, хотинимга таъна қилаверганим учунми, икки яшар кўзмунчоқдек қизчам ичбуруғ касаллигидан нобуд бўлди. Эрта кетган қизчамни қўмсаб, эзилиб юрган кунларимда хотинимнинг яна ҳомиладор эканлигини эшитиб:

- Қачон қараса қиз туққанинг туққан. Сен ҳам одамларнинг хотинига ўхшаб қўша-қўша ўғил туғсанг бўлмайдими? Ҳомилангни олдириб ташла, керак эмас! - деб ўдағайлай бошладим. Хотиним шифокорга борган экан у:

- Ҳомилангиз катта бўлиб қолибди, энди олиб бўлмайди. Балки ўғил бўлар, - дебди.

Хотиним келиб қўрқа-писа бу гапни менга айтди. Индамадим.

Вақти-соати келиб унинг кўзи ёриди. Ўғил! Ўғил бўлгандаям қандай денг, Ҳасан-Ҳусан! Лекин қувончим узоққа бормади. Хотиним ҳомиладорлигида қиз туғиб қўйишидан қаттиқ сиқилган экани, уларнинг иккаласи ҳам бирикки кун ўтиб нобуд бўлишди.

Бир йил ўтар-ўтмас у яна ўғил туғди. Бу гал уйимизда чинакам байрам бўлди. Исмини ҳам ўзига мослаб “Қувончбек” деб атадик. Ҳозир у икки ёшда. Онаси ҳам, мен ҳам уни еру кўкка ишонмаймиз. Опаларини айтмайсизми? Энди ўйлайман, қиз берган Оллоҳ ўғилни ҳам бераркан-ку! Сабр қилсам бўлмасмиди? Ношукрлик қилиб, хотинимни уришиб-сўкмаганимда ҳалиги қизчам ҳам, эгизак ўғилларим ҳам ўлишмасмиди?!

Қизларим ҳам аста-секин улғайиб оналари қўлидан рўзғор ишларини олишаяпти. Насиб этса онаси билан иккимиз уларнинг орзу-ҳавасларини ҳам кўрармиз. Баъзида хотинимга қараб қилган хатоларимдан эзилиб кетаман.

* * *

Ҳа, фарзанд қадрини ҳаётда “тирноққа зор” ўтаётганлар яхши билишади. Бир синфдош дугонам бор. У бундан кўп йиллар муқаддам фарзанд кўрмаганлиги боис турмуш ўртоғидан ажралишган эди.

Орадан 10-15 йил ўтиб, қайта турмуш қурди. Бу орада собиқ эри уч-тўртта болали бўлди. Буни қарангки, дугонам бояқиш бу эридан ҳам фарзанд кўрмади.

- Болалари ёмон эмасу аммо ҳар қадамда боланг эмаслигини сезиб турасан-да. Ўзинг туғмасанг қийин экан-да барибир, дугонажон, - дейди у кўзлари ёш олиб.

- Болалар қанчалик совуқ муомалада бўлишмасин, сен ҳам жаҳлга жаҳл билан жавоб қайтараверма,- дедим мен. - Вақти келса ўз отаси аччиқ устида айтиб юбораётган сўзларни четлаб ўтиб, яхши сўзлар билан жавоб қайтар. Шундагина уларнинг сенга нисбатан кўнгли юмшайди.

* * *

Катта қайнсинглим тўрт ака, бир уканинг орасида ўсгани учунми, жуда ўжар, айни пайтда тортинчоқ, камсуқум бўлиб вояга етди. Тўртта синглисига сира ўхшамас, айтганидан қайтмайдиган, биз — янгаларни ҳам ранжитган пайтлари кўп бўлган.

Шаҳарнинг қоқ марказида ўсган бўлса-да, бозорга бир ўзи чиқмайдиган, ҳатто бирон йигитга, бирон маротаба гапирмаган эди. Акалари тугул, укасини сўраб келувчи жўраларининг гапларига жавоб қайтаришга ийманарди. Совчиларнинг ҳаммасига рад жавобини бераверар, турмуш қуриш кераклигини айтган кимсани юмдалар, хуллас, эр деса чўчиб тушарди. Вақти-соати келиб тўрт синглиси ҳам бирин-кетин турмуш қуришиб, бола-чақали бўлиб кетишди. У эса рўзғор юмушларини қилиб юраверди.

2002-йилнинг 21 апрелида қайнонам оламдан ўтдилар. Қайнсинглим онасидан айрилганидан кейин ёлғизлик азоби нима эканлигини англаб етди шекилли, қўшни туманидан келган совчиларга розилик берди.

Биз янгаю сингиллар, акаю укалар аввалига бу хабардан анча чўчидик. Чунки, бўлажак куёвимизнинг хотини бир эмас, беш нафар фарзандини етим қилиб, оламдан ўтган экан. Улар билан муомала қилишнинг ўзи бўладими ахир?

Ниҳоят тўй куни ҳам етиб келди. Қайнсинглимдан кўра бизлар ҳаяжонда эдик. Тўй куни қайнсинглимни келин қилиб куёвникига олиб кетарканмиз, ортимиздаги машина ўриндиғида куёвимиз кенжа ўғилни тиззасига олганча ўтирарди. Уларнинг сўзларига диққат билан қулоқ соламан.

- Дада, аям қанилар, боя айтувдингиз-ку, аянгни уйимизга олиб келамиз, деб. Аямни мен кўрмадим-ку! - дейди 5 ёшли Алижон чучук тил билан.

Кўнглим бузилди. Ўғилнинг саволига жавоб бераётган куёвимизнинг самимий, очиққўнгил, меҳрибон кимса эканлигини англадим. Ичимда: “Албатта бахтли бўлишади”, деб ўйлаб, жуда севиндим. Уларнинг тўйидан 10-15 кун ўтиб бошқа қайнсинглим билан меҳмон бўлиб бордик. Қайнсинглим бизларни хурсанд кутиб олди. У болаларига, болалари унга парвона. Айниқса, кенжатой Алижоннинг хурсандлигини айтмайсизми?!

Борганимизда қайнсинглим супрани тўлдириб нон ясаётган, қизи эса тандирга олов ёқаётган экан. Бир пасда бир тандир нон пишди. Бир ёқда кир тўплаб қўйишган экан:

- Ювиб қўяй, эртага катта ўғлим ишга боради, кийимларини қуритиб қўйишим керак, - дейди у кўзлари порлаб.

Хонада ўзимиз қолганимизда:

- Болаларингизни “сиз”лаб гапиряпсизми, “сен”лабми, - деб сўрадим.

- Дадаси: “Бошидан “сен” деб гапиравер ҳаммасини, ҳозирдан “сиз” десанг кейин уларга қадинг сиғмайди. Ахир “ўгай” она эмас, чин она бўлиб келдинг-ку, сени илк маротаба кўрганимда юрагим “жиз” этган. Негаки, уларнинг онасига жудаям ўхшайсан. Шунинг учун ҳам сенга уйландим-да”, - дедилар кулиб. Биз кичкинтой Алижонга ҳазиллашиб: “Аянгни олиб кетгани келдик. Энди олиб кетамиз”,-десак, у: “Ҳа, сизлар ўғри экансизлар, кетаверинглар, барибир аямни энди ҳеч кимга бермаймиз”, - дейди денг.

Шунда қайнсинглим:

- Мен жуда бахтлиман. Чунки бу уйда жуда-жуда керак эканман. Кеч эрга тегдим, деб сира ўкинмайман. Болалар юзида, кўзида хурсандчилик кўрсам бўлди. Дадаси ҳам кўнглимга қараб гапиради. Ҳар кимга ҳам меҳр кўзи билан боқиб, яхши муомала қилсанг, сенга ҳам худди шундай жавоб қайтар экан. Ишқилиб, Худо мени бу бахтдан бебаҳра қилмасин! - дейди қувончи ичига сиғмай.

Мен у ердан бир олам қувонч билан қайтдим. Кечқурун хўжайинимга ҳам шуларни айтиб, кўнглини хотиржам қилдим.

Менимча, қайнсинглимнинг бундай бахтга эришишида куёвимизнинг ҳам ўрни катта албатта. Ўзининг яхши феъли, муомаласи билан фарзандлари билан хотинининг ўртасида яхши алоқа ўрнатиб, шундай қизнинг кўнглини юмшатиб, унинг дилида оналик меҳрини уйғота олган.

Азиз замондошларим, қани эди “ўгай она”, “ўгай болалар” деган сўзларни ишлатмасак.

Ҳадиси шарифларда ҳам бир етимнинг бошини силаган, унга насиба берган киши у дунёда қанча ажру савобларга эга бўлиши ҳақида ёзилган-ку!

Бу мақолам юқоридаги воқеалар сингари вазиятга тушган ёки тушиш арафасида турган оилаларнинг лоақал биттасига тўғри йўл кўрсатар, дея умид қиламан.

**София УЗОҚОВА**
**Шаҳрисабз шаҳри**

Қўнғироқларингиз...



## Саробга айланди оппоқ орзулар

- Бегзод акам билан севиб-севилиб турмуш қурган эдик. Афсуски бир йил бўлмай оиламиз барбод бўлди, - дея йиғлаб сўзлай бошлади Дилрабо исмли қиз.

***- Муҳаббат билан турмуш қурилган оиланинг бунчалик тез бузилиб кетишига нима сабаб бўлди? Ёки қайнота-қайнонангиз билан чиқиша олмадингизми?***

- Йўқ, қайнота-қайнонам тилла одамлар...

***Дилрабо тўхтаб-тўхтаб, паст овозда гапира бошлади.***

- Тўйимизга бир ой бўлганида, ота-онам куёв "чақириқ" қилган куннинг эртасига, Бегзод акам "Жуда зарур бўлиб қолди" деб, тилла узук, сирғаларимни беришимни сўраб ялина бошлади. Янги келин эмасманми, дарров қаршилик қилишга истиҳола қилиб, тақинчоқларимни ечиб бердим. Эрим уларни олди-ю, шошиб чиқиб кетди. Шу кетганича 10 кун уйга қайтмади... Хавотир олиб суриштирмаган жойимиз қолмади. Тиллаларим топилмаса-топилмасин, ўзи соғ бўлсин, дея ташвишланганларимни кўрсангиз эди.

Бегзод акам аввал институтда ўқиб, кейинчалик ўқишини ташлаб юборган эди. Лекин тез-тез собиқ курсдошлари билан учрашиш учун ётоқхонага бориб турарди. Бегзод акамни ўша ердан топдик. Кўринишлари бир ҳолатда, соқоллари ўсган, кийимлар ғижим... Ўртоқларидан: "Эгниларида янги "кожа"лари бор эди, қани?" деб сўрасам: "Бизнинг олдимизга келганида курткасиз эди", дейшди. Мен қайнотамнинг бир оғиз ёмон гапирмай ўғлини олдига солиб келганини кўриб ҳайрон бўлиб қолдим.

***- Нима учун у ерда ётиб юрган экан?***

- Сўрасам: "Суриштираверсанг, яна кетиб қоламан", деб айтди. Кетиб қолишидан қўрқиб, бошқа суриштирмадим. Ота-онаси ҳам жим... Орадан бир ой ўтиб, туғилган куним арафасида: "Дили, уйдагиларинг келса тақинчоқларингни сўраб-суриштиришади. Менга 75 минг пул топиб бер. Гаровга бериб бўлса ҳам тилла тақинчоқ олиб келиб бераман", деди. Менинг йўқ дейишимга қарамай, пул топиб бер деб мажбурлайверди. Мен учун шунчалар меҳрибончилик қилаяпти деб ўйлаб, кўнглим тоғдек кўтарилди. Аммо пул топиб беролмадим. Қайнонам қудаларимнинг олдида уялиб қолмай деди шекилли, бировдан қарз олиб берди. Туғилган кунимдан бир кун олдин пул кўтариб чиқиб кетган эрим 14 кун қорасини кўрсатмади... Хаёлимга нималар келмади дейсиз.

Туғилган кунимга келганларни қандай кутдим, билмайман. Меҳмонларни кузатдиму, кечки соат 6 ларда кўчага чиқиб кетдим. Тўғри институт ётоқхонасига бордим, суриштирдим. У ерда эримни биладиганлар уни кўришмаганини айтишди. Шундай бўлса ҳам ётоқхона эшиги ёнида соатлаб турдим... Кеч соат 11-12 ларда уйга кириб келганимда қайнота-қайнонам телевизор кўриб ўтиришган экан. Мен ётоғимга кирдиму, бор овозда йиғлаб юбордим. Шунда қайнонам ёнимга келиб: "Сиқилманг, келин. Уни излашнинг ҳожати йўқ. Ўзи келади", - деди босиқлик билан. Шунда билдимки, Бегзод акамнинг бу одати аввал ҳам бўлган. Чиндан ҳам 14 кун ўтиб ўзи кириб келди.

***- Эрингиз бирор жойда ишлармиди?***

- Йўқ.

***- Ота-онаси ишла демасмиди?***

- Қайнотамнинг: "Бирорта ишнинг бошини тут, энди оилали бўлдинг, бу юришинг яхши эмас", деб танбеҳ бераётганини бир марта эшитувдим. Назаримда улар ўғлидан қўрқишарди. Кетиб қолади дебми ёки бирор қалтис воқеа содир бўлади деб ўйлашарди чоғи, авайлаб муомала қилишарди.

***- Хуллас кетиб қолиш сабабларини аниқладиларингми? Балки энг яқин дўстлари билишгандир нима иш қилиб юришини?***

- Унинг энг яқин дўсти ҳам йўқ эди. Ота-онам келиб: "Куёв, нима муаммоингиз бор? Кўча томондан қарзингиз бўлса айтинг, ёрдамлашиб юборамиз" дейишди ҳам. Лекин фойдаси бўлмади. Ҳеч кимга ҳеч нарса айтмайди. Баъзан соатлаб қовоқ солиб ўтиради.

Охири ота-онам мен билан эримни тиббий кўрикдан ўтказиш баҳонасида дўхтирга олиб боришди. Анализ топширдим. Маълум бўлишича, Бегзод акам токсикоман — героин ҳидлар экан. Буни билиб юрагим тарс ёрилай деди. "Энди қандай яшайман?" деб ўйладим. Шундай бўлса-да, мен уни бу йўлдан қайтариб олишга қарор қилдим. Ўзгариб қолар деб ўйладим.

Тўйимизга атиги 5 ой бўлган эди. Шу орада бўйимда бўлиб қолди. Афсуски ҳомиламдан ажралиб қолдим. Икки ой ўтиб яна ҳомиладор бўлдим. Даволаниш учун касалхонага ётдим. Мен касалхонадалик вақтимда қайнотам уйимизга қўнғироқ қилиб, эрим уйдан келинлик либосларимнинг энг қимматини ва иккита гиламни олиб чиқиб кетганини, энди уни тузатиб бўлмаслигини айтиб: «Агар қизларингнинг бахтли бўлишини истасанглар, яхшиси уни иссиғида олиб кетинглар» деб айтибди. Ота-онам бунга қарши бўлишмади. Мен ҳам ноилож эдим. Касалхонадан чиққач, бориб юк-анжомларимни олиб келдик.

Мана энди қорнимда 4 ойлик бола билан отамникида ўтирибман. Менда нима гуноҳ? Ахир мен қайтиб келиш учун турмушга чиқмаган эдим-ку? Ота-онаси нега кўра била туриб мени бахтсиз бўлишимга йўл қўйишди? Ота-онам тўйдан олдин эримнинг маҳалласига бориб суриштиришган. Нега у ердагилар Бегзод акамнинг асл қиёфасини айтишмади, бахтсизлигимга томошабин бўлишди? Куни кеча телевизорда токсикоман ва гиёҳвандлар тўғрисида кўрсатув бўлди. Худди менинг эрим ёшидаги бир йигит "захри қотил" сотиб олиш учун пул заруратидан икки кишини ўлдирибди. "Уколи"га ўтган киши бу йўлдан умуман чиқиб кетолмас экан. Бегзод акам ҳали у даражага етгани йўқ. Шу кўрсатувни кўриб, гарчи энди бирга яшамасак ҳам, уни бу йўлдан қайтариш учун ҳаракат қилишим керак деган қарорга келдим.

***- Мен ҳам яқинда шу масалада бир мутахассис билан гаплашган эдим. Токсикоман ёки гиёҳвандлар ўз мақсадларига етишишлари учун ҳамма нарсага тайёр бўлар эканлар. Биринчи қадам ўғриликдан бошланар экан. Ҳидлайдиган ёки укол қиладиган нарсалари бор жойдан ҳафталаб жилмас экан. Эрингизнинг ҳам кунлаб йўқ бўлиб қолишлари сабаби шундан бўлса керак-да. Дилрабо, ғишт қолипдан кўчибди, оилангиз бузилибди. Энди ўзингизнинг ва туғилажак болангиз соғлиғини ўйланг. Нима бўлганда ҳам бир инсон тақдири сизни ташвишлантираётган экан, бундан бошқалар ҳам, хусусан эрингизнинг яқинлари хулоса чиқаришса яхши бўлар эди...***

***Азиз ота-оналар. Фарзанд тарбияси жуда нозик масала. Болаларимиз ўз-ўзидан катта бўлаверади деб бефарқ юрсак оқибати нималарга олиб келиши мумкинлигини ўйлаб кўрайлик. Фарзандларимизнинг дўсти ким, кимлар билан мулоқотда бўлаяпти, бўш вақтини қандай ўтказаяпти? Огоҳ бўлайлик. Сиз ишдасиз, бозордасиз, меҳмондорчиликдасиз, лекин уйингизга бир бор қўнғироқ қилиб қўйинг. Бир оз эътиборсизлигимиз орқасидан тузатиб бўлмас хатолар чиқишини эсдан чиқармайлик.***

**Ҳулкар ҲОТАМБОЕВА**

Ташрифларингиз...

## Бу гуноҳ мени адо қилади

- Қани эди, умуман гапира олмайдиган соқов бўлиб туғилган бўлсам... Балки, ана шунда бошимга бунча бахтсизликлар тушмасмиди?.. Инсоннинг қалбидаги гуноҳкорлик ҳисси жуда оғир бўлар экан. Эҳтимол, ҳар бир одам ризқу насибаси тугаганидан кейин бу дунёдан кўз юмса керак. Лекин мен... Менинг қайсарлигим эримнинг бошига етди, деб адойи тамом бўлаяпман.

У гапирарди, мен эса уни томоша қилардим. Табиат бундай мукаммал ҳусн берган аёлнинг ҳам муаммоси бордир, деб ўйламагандим. Аммо...

***- Нима учун бундай деяпсиз? Бунинг бир сабаби борми?***

- Бунинг учун сизга бўлиб ўтган воқеани бошидан айтишим керак. Турмушга чиққунимча, шўх, шаддод қиз эдим. Мактабни медал билан тугатгач, тиббиёт техникумига ўқишга кирдим. Жарроҳлик ҳамширалиги бўйича диплом олдим. Ишга ҳам кирдим. Бу орада эса уйимизга совчилар кела бошлади. Ана шу кунлар менинг ҳаётимдаги энг унутилмас кунлар экан. Бир куни ишдан кейин дугоналарим билан Чорсу бозорига бордик. Уларнинг орасида энг кўп гапириб, энг кўп куладигани мен эдим. Шу пайт мажнунтолларнинг остида ўтирган лўлиларни кўриб қолдик. Уларга қараётганимизни кўришиб биттаси олдимизга келди. Кимдир: "Биз фол очдирмоқчи эмасмиз",- деди. Келган аёл ҳам шаддодгина экан: "Мен ҳам сенларга фол очмоқчи эмасман. Фақат мана бу чиройликка икки оғиз гапим бор эди", - деди мени кўрсатиб. Уни мазах қилиб:

***- Хўш, эшитайлик-чи! Нимани башорат қилар экансиз? - дедим. У менинг масхараомуз гапимга аёл парво ҳам қилмади.***

- Менга қара, ҳой чиройлик! Сен ҳаддан ташқари гўзал экансан. Аввалига жуда бахтли ҳам бўласан. Ҳашаматли уй-жойинг, ақлли эринг, машинанг ва қўш ўғлонларинг туғилиб, бахтинг бисёр бўлади. Аммо... Бир кунда ҳаммасидан айрилишинг мумкин. Кўп гапирма, эҳтиёт бўл, душманинг ўзинг билан", - дедида, шарт бурилиб бозордаги оломоннинг ичига кириб кўздан ғойиб бўлди. Мен ҳам, қизлар ҳам қотиб қолгандик. Кейин кулиб юбордик. Улар менга: "Эсиз-а, биз ҳам фол очтирсак бўларкан. Қани сен турмушга чиққин-чи, айтганлари рост бўлса, кейин фолга ишонамиз", - дейишди. Кунлар ўтди.

Отамнинг қўл остида ишлайдиган бир йигитдан совчи келаётганди. Унинг исми Салим бўлиб, кўркамгина, ишлари ҳам пишиқ эди, шекилли отам уни нуқул мақтарди. Яшириб нима қиламан, у менга ёқарди. Хуллас, тўйимизга тайёргарлик ҳам бошланиб кетди. Ўша пайтда иккимизнинг оддийгина, лекин жуда чиройли орзуларимиз бор эди. Биз ҳар куни келажак ҳақида тинмай режалар тузардик. Салим келгусида алоҳида уйимиз бўлишини, машина олишни, эгизак фарзандларга ота бўлишини орзу қилаётганини айтарди. Унинг бу сўзларидан мен ҳам қувонардим, ҳам уялардим. Аммо, лўлининг гапи бот-бот ёдимга тушаверарди.

***- Шундай қилиб тўйингиз бўлди, бахтли эдингизми?***

- Икки томоннинг розилигию дуолари билан тўйимиз чиройли ўтди. Тўйдан кейин кўп ўтмай Салим тижоратчиликни бошлади. Дадам ҳам, унинг уйидагилар ҳам эримнинг бу ишини маъқуллашди. Оиламизда мен, қайнота-қайнонам ва турмушга чиқмаган бир қайнсинглим бор. Мен эримнинг оиласига тез орада кўникиб кетдим. Ишга бориб келганимдан кейин, жону дилим билан рўзғор юмушларини қилишга киришардим. Уйдагиларнинг дуоларини олиб яйраб-яшнардим. Эримнинг ишлари юриша бошлади. Отам унга катта сармоя берди. У улгуржи савдо билан шуғуллана бошлади. Тез орада "Нексия"ли бўлдик. Кейинчалик маҳалламиздаги қимматлиги боис анчадан бери сотилмай келаётган ҳашаматли уй бор эди, шуни сотиб олдик. Бу пайтга келиб мен туғиш таътилида эдим. Ҳали янги уйга кўчиб ўтмасимиздан Ҳасан-Ҳусан фарзанд кўрдик. Лўлининг башорати тўғри чиқаётганига шубҳа қилмасдим. Аммо, унинг кейинги гапи, душманинг ўзинг билан дегани ким экан? - деб ўйлардиму сира охирига ета олмасдим. Ниҳоят билдим ҳам... Аммо бу вақтда кеч бўлганди.

***- Ким экан душманингиз, орзуларингиз кетма-кет рўёбга чиқаётан бўлса...***

- Нимасини айтай опажон, у ўзим эканман... Нега тилимни тиймадим-а? Қани эди бу тилимни ўша пайтда кесиб ташлашган бўлса... Ота-онамиз уй тўйи, бешик тўйи ҳаммасини чиройли қилиб ўтказиб беришгач, янги уйда яшай бошладик. Дугоналарим билан кўришиб қолсак улар: "Гулбаҳор, лўлининг сўзлари тўғри чиқди-я. Мана, жуда бахтлисан", дея ҳавас қилишарди. Фарзандларимиз беш ёшга етганда мен ишга чиқмоқчи бўлдим. Муҳтожликдан эмас, албатта. Азбаройи кийимлару тақинчоқларимни кўз-кўзлаш учун. Эрим эса:

- Сенинг чойчақанг кимга керак? Уйда жимгина ўтиргин, хўпми? Акс ҳолда...- деди у кулиб.

Мен эса:

- Нима акс ҳолда? Нима қилардингиз? - дедим. Бу гап қайтаришим унинг асабига тегди.

- Шундай қилсанг, айтсам -айтмасам ҳам "Уч талоқ" қиламан,- деди.

- Мен барибир ишга чиқаман, - дедим қайсарлик билан.

- Чиқмайсан, - деди у ҳам қаҳр билан.

- Чиқаман дедим, чиқаман, - дея ичкарига кириб кетдим. Мен ҳам қўймасдим.

Эрим эса ортимдан кириб сочларимдан бураб олди-да: - Майли, чиқасан, лекин мен ўлиб, рўзғор сенинг бўйнингда қолиб ишламасанг, кун кўролмай қолгач, ишлайверасан, - дея ҳовлида турган машинасини вағиллатиб минганича кўчага чиқиб кетди.

Бу орада мен эрим билан ғижиллашганимни ҳам унутиб ош дамлай бошладим. Келса кечирим сўрашни ҳам дилимга тугиб қўйдим. Рост-да, рўзғорим бут бўлса, эрим топиб келаётган бўлса... Яна нима керак, деб ўзимни койий бошладим.

***- Эрингиздан кечирим сўрадингизми?***

- Қани эди, кечирим сўрай олган бўлсам... Эрим келавермади. Уни ўртоқлари билан юргандир-да, деб хотиржам эдик. Аммо ғафлатда қолган эканмиз... У шу чиққанида катта йўлдан жаҳл билан тезликни ошириб бораётиб юк машинасининг остига кириб кетган экан...

- Бу ҳақда дарҳол хабар қилишдими?

- Тонгда хабар келди. Буни эшитиб тамом бўлгандим. Ота-онасинику айтмаса ҳам бўлади. Фарзанд доғи, ёлғиз ўғилнинг фироқида эримдан кейин кетма-кет қайнона-қайнотам ҳам оламдан ўтишди. Катта ҳовлида икки ўғлим ва қайнсинглим билан қолдим. Ўшанда Салим акамнинг айтган гапига фаришта омин деган экан. Ёки лўлининг башорати тўғри эканми, эрим, қайнона-қайнотамнинг барча маъракаларини ўтказиб яқинда ишга чиқдим. Худди, эрим айтганидек, унинг ўлимидан сўнг рўзғор ташвишлари бўйнимга тушгач, ишга чиқишга мажбур бўлдим. Бугун пушаймонлик, алам ва армон билан яшаяпман. Ўша охирги айтишувимиз бир умр қалбимнинг изтироби бўлиб қолади. Бировга айтолмай қийналиб кетдим. Салим акамнинг ўлимида ўзимни гуноҳкор ҳис қиламан. Бу гуноҳ эса мени адо қилаяпти. Нега ўшанда сал оғирроқ бўлмадим-а? Ўтаётган умрим давомида бу азоблар мени ўртайверади. Сиз нима дейсиз, чиндан ҳам айбдорманми-а, опажон? Ёки лўлининг гапини масхара қилганим учун жазомикан бу? Мен энди нима қилай, қандоқ яшайман энди? Одамлар менга маслаҳат беришса, кўнглимдаги зулмат сал ёришармиди?..

***Гулбаҳор, дунёдаги ҳамма одамларнинг ҳам бир куни паймонаси тўлади-да, синглим! Ким дунёга устун бўлган, ахир? Буларнинг ҳаммаси тасодиф. Сиз айбдор эмассиз. Аммо...***

***Ушбуларни ёзарканман отамнинг сўзларини эслайвердим. Баъзан бирон ножўя сўзлар оғзимиздан чиқиб кетса, отам хафа бўларди. "Ўйнаб гапирсаларинг ҳам, ўйлаб гапиринглар. Айтганларинг фариштанинг оминига тўғри келмасин яна. Эсларингда бўлсин, оғзинглардан фақат яхши сўз чиқсину, кўнгилларингда яхши ниятлар бўлсин. Кейин пушаймон қилмайсизлар", - деб насиҳат қиларди. Бу гапларда ҳам бир ҳикмат бордир. Бундан кейин фақат эзгу ниятлар ҳақида ўйлаб яшанг. Ҳали ҳаётингиз олдинда. Кўнглимизда ҳамиша эзгу ниятларнинг бўлганию, уларнинг ушалишига интилиб яшашимиз қандай яхши!***

**Басира САЙЙИДАЛИЕВА**

# ИНСОН РУҲИ

"Қариндошлар ўртасидаги никоҳ яхшиликка олиб келмайди. Ногирон фарзандлар дунёга келишига сабаб бўлиши мумкин", деган фикр матбуотда бот-бот такрорланади. Қариндошлар ўртасидаги никоҳни шахсан мен ҳам маъқулламайман.

Танишларимдан бири олисда яшовчи қариндошининг қизига уйланган эди. Негадир фарзанд кўришмади. Дўхтиру табиб ёрдами тегадиган кишиларга кўп учрашди. Профессор: "Касбингиз олов билан боғлиқ экан. Бу пуштингизга таъсир этган. Иш жойингизни ўзгартиринг", - деган маслаҳатни айтади. Танишим иш жойини ўзгартирса ҳам фарзанд кўрмади. Эр-хотин бир-бирига меҳри баландлиги учун ажралишмади. Охири бола олиб тарбиялашга қарор қилдилар. Тақдирни қарангки, олиб тарбиялаган боласи юрадиган ёшга етса ҳам юролмасди. Бунинг устига кўзлари ҳам уйғун ҳолда бир нуқтага, бир томонга эмас, бири у томонга, бири бу томонга қарарди. Шундай бўлса-да, ногирон болани авайлаб ўстиришмоқда. Хуллас, эр-хотин яна бир бола олсак, буниси соғлом чиқар, деб яна бола олишди. Ҳайрият, буниси соғлом экан. Ҳозир иккаласини ҳам асраб-авайлаб ўстиришаяпти.

Оламдаги бор жонзотларга боқинг. Яшаш учун курашади. Жонзотларнинг эркаклари нафақат ўзини, аёлини, фарзандларини хавфу хатардан, душманлик, ёвузликлардан ҳимоя қилади. Биз инсонлар эса кўп ҳолларда бепарвога ўхшаймиз.

Муаззамхон Мелиева қаламга олган аёлнинг аҳволи

*«Она фарёди»—22-сон*

***ЭСЛАТМА:** Амакимнинг ўғлига турмушга чиққан эдим. Фарзанд туғилиб бир ёшдан ошгандан сўнг касалманд бўлиб қолди.*

*Орадан вақт ўтиб иккинчи ўғлим туғилди. Бу ўғлим ҳам худди шу дардга мубтало бўлган экан. Фарзандларимни даволатиш учун югуриб юрган кезларимда яна ҳомиладор бўлиб қолибман. Аммо бу фарзандим ҳам ногирон...*

**Муаззам МЕЛИЕВА**



# ҒУБОРЛАРДАН ҲОЛИ БЎЛСА...

ҳақиқатдан ачинарли. Ана шу муштипар сингилга сабру-бардош, болаларига эса Оллоҳнинг раҳми келсин!

Биродарлар! Ҳаёт абадий! Биз инсонларга эса капалак умридек қисқа вақт омонатга берилган. Шундан тўғри фойдалансак қани эди? Бешикдан қабргача илм изла, деган ҳадиси шариф бор. Илм эгалласак. Муҳаббат ила турмуш қуриб, қобил ва солиҳ фарзандлар тарбияласак. Бир-биримизга меҳр-оқибат кўрсатсак. Йиқилганни суяб, турғизсак. Дардмандга ҳамдард бўлсак. Бир-биримизга фақат яхшилик, эзгулик тиласак.

Ҳаётга разм солинг: дунёпарастлик авж олаётгандай. Қўлимизга тушган мол-дунё ҳам омонат. Бу дунёдан ўтганда шу нарсаларнинг кераги бўлмай қолади. Қайтанга орқада қолган ака-ука, опа-сингиллар ўртасида молпарастликни авж олдирадиган низо келтириб чиқаради.

***Акс-садо***

Ҳадисларда айтилишича, отадан қолган мол-давлат икки кунга етаркан. Келинг, фарзандларимизга касб-ҳунарларимизни ўргатайлик, биздан сўнг улар барака топсинлар. Иши юришмай қолган кишига "отангнинг касбини қилиб кўр", деган маслаҳат бежизга айтилмаган.

Мол-давлатимиз зиёдами, келинг, ночор қўшнимизни сал қўллаб-қувватлайлик. Бизлар ёш пайтимизда "ҳамсоятовоқ", деган одатлар бўларди. Сен биродарингга раҳм билан боқсанг, Оллоҳ таоло сенга бир неча баравар кўпроқ раҳм қилади, барака ёғдиради.

Ҳасад, ичиқоралик, кўролмаслик, бахиллик, дуо, жоду, сеҳр - булардан мақсад бировнинг баракасини ўзиники қилиб олиш, ўзи кўпроқ манфаат кўриш, ғаразли ниятига эришиш, ўч олишдир.

Оллоҳ ҳаммамизни тўғри йўлдан адаштирмасин, эзгуликларга ошно этсин!

**Мўмин ХОЛМУРОДОВ**
**Қарши шаҳри**

# БУНЧАЛАР СОДДАСИЗ, ЎЗБЕК АЁЛИ!

*«Тақдиримда хато бўлди»—16-сон*

**ЭСЛАТМА:Турмушга чиққанимга 4 йил ўтди ҳам бефарзандмиз. Бу орада эримнинг хиёнатини билиб қолдим. У кечирим сўраяпти. Нима қилай?**

**Х.**

Ҳурматли Х! Бошингиздан кечган дарду аламлардан дилим ранжиди.

18 ёшингизда бахт топиб қувонганингиз, - ёстиқдошингиз ҳақидаги гапларингизни ўқиган мухлис борки, қувонади.

Икки томон ҳам борини сарфлаб тахт яратишибди-ю, бахтингиз қарор топа қолмабди-да, эссиз. Эрингиз: "Қаратган қараб қолмайди", деган гапга амал қилса, фарзанд кўриб, ҳаётингиз бахтиёрликда кечармиди?

Эрингиз аввал хиёнат қилиб, кейин: "Мени ташлаб кетма, сенсиз яшай олмас эканман", - дея ёлворибди.

Қизгинам, муштарийлардан илтижо ила маслаҳат сўрашингиздан ҳали ҳали ўша номардга дилингиз боғлиқлиги сезилиб турибди. Бундан кейин қилган номаъқулчиликларини қилмайди деб, ҳеч ким сизга кафолат бера олмайди. Унинг онаси ҳам айбини яшириб Оллоҳ олдида гуноҳга ботибди.

Сиз аёллик нафсониятингизни ҳимоя қилинг, ҳали ҳақиқий бахтингизни топиб кетасиз. Эрингиздек ваъдабоз эркакларнинг кўпини кўрганман. Шундайларнинг бири 3 фарзанди билан гулдек аёлидан ажрашган эди. Икки йил ўтиб, яна ялиниб келди. Сизга ўхшаган соддагина аёл унинг ёлғонларига ишониб, ярашишга рози бўлди, лекин бир қанча муддатдан сўнг берган ваъдалари "алвастининг қасами" бўлиб чиқди. Хоҳ аёл, хоҳ эркак бўлсин ҳамманинг қилмиш-қидирмишини Оллоҳ кўриб, эшитиб, сарҳисоб қилади. Сизни Оллоҳим, пок, комил инсонга рўбарў қилсин. Бир этак фарзанд кўрингу азиятларингиз ювилиб кетсин.

Юртимиз қизлари, қизларжон! Ёр танлашда сира-сира шошилманг, синчков бўлинг, бу борада етти ўлчаб бир кесинг. Ҳеч қайси ота-она қиз хўрлигига дуч келмасин, илоҳим.

**Афифа ҲАСАН қизи**

*«Кўнгил қолар тўйлар»—23-сон*

***ЭСЛАТМА:** Яқинда бир танишимникига тўйга бордим. Аммо ҳамма меҳмонни бирдек кўриб иззатини жойига қўймаганидан жуда хафа бўлдим.*

*Мансабдору "бели бақувватлар" учун юқорида алоҳида, бундайроқлар учун бошқа бир стол тайёрлангани етмаганидек меҳмонларга хизмат кўрсатиши ҳам шунга яраша бўлди...*

**Дилбар РАЗЗОҚОВА**
**Навоий вилояти**

# БИР ИЛЛАТ БОРКИ...

Мана кунлар исиб, тўйлар мавсуми бошланди. Тўй бу — тирикликнинг зийнати. Қариндош-уруғлар, дўст-ёрлар дийдорлашади. Бироқ шоду хуррамлик билан ўтаётган тантаналарда бир иллат борки, бу кишининг асабини бузади, касал қилади. Бу базм "ўйинчи"си. Кимнинг тўйида ўйинчи бўлмаса, ўша тўй тўйдек бўлмасмиш. Яқинда бир дўстимникига тўйга бордим. Тўймисан, тўй!

- Боримни тўкаман, - деди тўй эгаси, яъни дўстимнинг отаси ўтирганларга гердайиб қараб.

- Ҳақ бериш биздан, еб-ичиш сиздан.

"Базм" бошланиб даврага "ёр-ёр" садолари остида келин-куёв чиқиб келишди. Тўй сабабчилари махсус безатилган шоҳона супага ўтиргунча, тўй дастурхонига жуфт-жуфт қилиб ароқ тортилди. Бошланди ичиш, бошланди қийқириқ. Пайт пойлаб турган "отарчилар", санъаткорлар ўз ҳунарларини бошлаб юборишди. Бир пайт даврага бир пахмоқ қиз йўрғалаб чиқди, изидан иккинчиси. Ширакайф бўйдоқ йигитлару, эркакларнинг уларга суқланиб қарашини тасвирлаб бўлмас. Даврада хотин-халаж, бола-чақа ўтирибди. Буям камлик қилгандек, ҳали унинг пинжига киради, ҳали бошқанинг бўсаси эвазига биров икки юзталик, кимдир беш юзталик, баъзилар мингталик қистиради, қулоғига бир нималардир айтиб қийқиради. Яна бизда тўй куни куёвжўралар ичиб олишиб, ўйинчини кўтариб ўйнатиш ҳам "мода" бўлган. Бу эса баъзи оилаларда уриш-жанжал, келишмовчиликлар чиқармоқда.

- Дадангни қара, анови ўйинчини қучоқлаб ўпди, - дея масхара қилиб кулди 9-10 ёшлардаги бир бола ёнидаги жўрасига. Ўша бола нима дейишини билмай мулзам тортиб, қизариб кетди. Мана сизга тўйдаги салбий манзаралардан бири.

Бултур бир тўйда базм бошланди-ю, куёв бола ҳеч даврага чиқмайди. Нима эмиш, ўйинчи йўқ эмиш. Ўйинчи келмаса, даврага чиқмасмиш. Шу топда тўйга ўйинчисиз келган санъаткорлар ўйинчини қаердан топишсин? Каттақўрғон ёҳуд Самарқанга бориб келишнинг ўзи бўладими? Тиқилинч қилавергач, марказга келиб кўчадаги аллақайси беҳаёни олиб келишди. Қани энди бир мўъжиза рўй берса-ю, тўйларда ичкиликбозлик, исрофгарчилик қатори аллақайси беҳаё ўйинчилар ҳам йўқ бўлса. Ҳар ким ўз тўйида ўзи яқинлари билан дийдорлашса, ўйин-кулгу қилса. Сиз бунга нима дейсиз?

**Ҳошим ОРЗИҚУЛОВ**
**Самарқанд вилояти,**
**Нуробод тумани,**
**Мусақоқ қишлоғи**

**«Яшашни ўргатдинг баҳор»—18-сон**

***ЭСЛАТМА:** 9-10 ёшимда «Болалар фалажи» касаллиги билан оғриганман. Ота-онам бир-бирига амакивачча. Укам иккимизнинг бир хил касалимиз. Аммо мен тушкунликка тушмай баҳордан, ҳаётдан завқланиб яшаяпман. Тикишни, китоб ўқишни яхши кўраман. Фақатгина кўнглимда кечаётганларимни ҳис қиладиган дўстим йўқ, холос.*

***Ҳ. ҲОТАМБОЕВА***

# ҚУВНОҚЛИГИНГДАН ЎРГИЛАЙ, ШОҲИДАХОН!



Шоҳида қизгинам, қариндошлик ришталари туфайли сиз билан укангизнинг ногирон бўлиб қолишингиз ҳақиқатан ҳам жуда-жуда дилўртар ҳол. Эшитган инсон борки, бунга бефарқ қараб туролмайди, дил-дилидан ачинади. Мен ҳам қалби синиқ, ғам кўрган инсон бўлганим учун аввалига кўзларимга ёш келди, фалакнинг шўришидан нолидим. Лекин бошқа нарса мени қувонтирди: айрим кимсаларда ҳаёт машаққатларини енгиб яшаш кучи бўлади. Ана шундай куч-қудрат сизда мужассам кўринади. Гўзалликка бефарқ бўлмаганингиз, айниқса, юртимиз баҳорининг сеҳрига берилишингиз, ундан юпанч топишингиз бошқаларга ўрнак бўладиган ҳол. Йиллаб бир жойда ўтириб, зерикмай бирор иш билан машғул бўлиш ҳамманинг қўлидан келавермайди.

Қанийди сиздаги қийинчиликни енгиш борасидаги матонат юртимиздаги барча юртдошларимизга ҳам юқса.

15 йил мобайнида бир ерда ўтириб ҳам юпаниб яшаётганингиз Оллоҳга шукроналикнинг белгиси эмасми? "Аям чопон, нимча камзулча тикиш, қавишни ўргатганлар. Битта чопон битказсам, бор чарчоқларим тарқайди. Руҳим тетиклашади. Ҳар куни кундалик дафтар ёзиб бораман. Бўш қолдим қўлимга китоб оламан". Жуда тўғри қиласиз

Қизгинам, сўзим ниҳоясида ўзим каби кекса муштипар оналар номидан Оллоҳнинг мўъжиза яратиб, соғлиғингни тиклашини ва хонадонингга бахт ато этишини тилаб қоламан:

**Ҳасрат юкларини**
**бардам кўтариб,**
**Баҳор-ла юпаниб**
**яшамоқ ҳам бахт.**
**Феълингдан ярлақаб**
**Оллоҳим сенга,**
**Дардларинг совуриб,**
**ато этгай тахт.**

**А. ҲАСАНОВА**

# ТАБРИКЛАР, ҚУТЛОВЛАР!



**Муҳтарама аяжонимиз ФАРИДАХОНИМ!**

Сизни таваллуд топган кунингиз билан чин қалбимиздан қизғин табриклаймиз. Шифокор қўлингиз дард кўрмасин, умрингиз узоқ бўлсин, адажоним билан қўша қаринглар!

**Эҳтиром ила — фарзандларингиз, невараларингиз**

**Гулобод почта бўлими бошлиғининг ўринбосари Гавҳар МИРЗАХОЛОВА!**

Сизни туғилган кунингиз билан чин дилдан табриклаймиз! Ҳамиша соғ-омон бўлиб, узоқ умр кўринг!

**Ҳисобхона ходимлари номидан — Зарина**



**Азиз онажоним ЖАННАТОЙ!**

**Онажон, борлиғим жон-жаҳонимсиз,**
**Кундузи қуёшим, тунда ойимсиз.**
**Меҳрингиз тафтида ўсиб-улғайдим,**
**Бахтимга соғ-омон бўлинг доим Сиз.**

**Қизингиз Азиза**

**Опажоним Шаҳноза ЭРГАШЕВА!**

Сизни таваллуд айёмингиз билан табриклайман. Ҳамиша соғ бўлинг, опажон!

**Синглингиз Шаҳло Эргашева**

**Бўстонлиқ тумани, Сижжак қишлоғи**



**Азиз ва муҳтарам устозимиз Усмонали НИШОНАЛИЕВ!**

Сизни муборак 60 ёшингиз билан табриклаб, оилавий бахт, мустаҳкам соғлиқ тилайман. Ойсара опам билан қўша қариб, соғ бўлиб юринг. Шоирнинг қуйидаги мисралари айни Сизга муносиб:

**Орзуим шу, ўчмасин ёнган чироғинг,**
**Доим яшнаб турсин чашминг, қароғинг.**
**Агар чинор бўлсанг, чинордек яша,**
**Бевақт узилмасин бирор япроғинг.**

**Шогирдингиз — Гулнора Иброҳимова**

# САҲОВАТЛИ ИНСОНЛАР БОР БЎЛСИН



Косон ёғ-экстракция ОҲЖда Шокиржон Ўринов деган йигит ишлайди. Шокиржон доимо кам таъминланган ногирон ҳамда қарияларга ёрдам қўлини чўзиб келади. Мен ҳам саккиз йилдан бери иккинчи гуруҳ ногирониман. Хўжайиним оламдан ўтган. Иккита фарзандим бор. Худога шукр, қизимни турмушга узатиб, яқинда ўғлимни ҳам уйлаб қўйдим. Шундай пайтларда Шокиржон ўзининг беминнат ёрдамини аямади. Мен Шокиржонга миннатдорчилигимни газета орқали билдирмоқчи бўлганимни эшитиб, биринчи гуруҳ ногирони Мурод Умаров, Зебо Қурбонова, туман спорт қўмитаси раиси Тўра Абдулҳайров спорт мусобақаларига ҳомийлик қилганини, ночор одамларга ёрдам берганлигини айтиб, "Бизнинг миннатдорчилигимизни ҳам ёзинг",- деб илтимос қилишди. Шокиржондек саҳоватли, одамлар дарди билан ёниб яшаётган ишбилармон одамлар бор бўлсин. Мартабаси улуғ бўлсин.

**Назира МАДРАИМОВА**

**Қашқадарё вилояти,**
**Косон тумани,**
**"Дўстлик" маҳалласи**

# АЖИНАЛАР БОРЛИГИ РОСТМИ?

**Ажойиб ғаройиб**

Қайнонам билан бир ҳовлида яшаймиз. Паридек бўлиб хонадонимиз кўрки ва файзидирлар. Янги келин бўлиб тушган пайтимдаги бир воқеа жумбоғига ҳали ҳануз жавоб топа олганимиз йўқ. Ўшанда апрель-май ойлари эди. Хонадон аъзолари билан эрталабки нонуштага ўтирганимизда: "Кеча мени нимадир безовта қилиб чиқди-да", дедилар. Биз буни ҳазилга йўйиб. кулгуга олдик.

Салдан сўнг қаергадир отландилар, кўйлак алмаштираётиб "Қаранглар-а, кечаги безовталигим бекорга эмас экан, ажиналар мени ўпиб кетибди", дедилар. Ҳақиқатан ҳам таналарида кўкимтир доғлар кўриниб турарди. Биз яна кулдик ва ўзимиз: "Бирор жойга уриб олгандирсиз", дедик. Лекин у киши буни тан олмадилар. Хуллас, кечга яқин у киши қайтгач яна кулгу ҳазил билан гурунг қилдик ва энди гурунгни у кишининг бўйнидаги мунчоққа бурдик. Ўшанда оқ дур мунчоқ тақиш расм бўлган эди. Қайнэгачим совға қилган оппоқ садафдай дур мунчоқларни гапира-гапира суҳбатга хотима ясадик...

Тонг отди. Мунаввар тонг қўйнида намоз ўқиб бўлган қайнонагинам жойларидан турдилар ва бизга юзланиб: "Сенларнинг ишинг қурсин, гурунгларинг яна мени тинч қўймади-ёв, бўйнимдаги шодалар йўқ-ку",- дедилар. Биз,- "Ўзингиз бирор жойга ечиб қўйгандирсиз",- десак: "Йўқ, йўқ!"- дея бизни дурни излашга мажбур қилдилар. Афсуски, бизнинг излаганимиз самарасиз кетди. Хуллас, ҳалигача ўша мунчоқ жумбоғи бизни ҳайрон қолдирмоқда. Мунчоқ ажиналарга нега керак бўлди, ёки нега биринчи куни у кишининг танасида кўкиш излар қолдийкин, иккинчи кун эса мунчоқлар йўқолиши - бу ажиналар борлигига ишорамикин? Чунки ёш болалар ухлашганда жилмайиб қўйишса "Ажина кулдирди" деган гап ҳам бор-ку. Уларнинг борлиги ростмикан?

**Д. НОРМУРОДОВА**

**Термиз шаҳри**

# ҚОРА МУШУК – АЛДОВ ЭКАН

**Туш таъбирномаси**

"Тушимда уйимизга қоп-қора мушук кириб олибди. Уни ҳеч тутолмадим", - деди қўшним бир куни менга. "Қўйинг, ахир мушук беозор жонивор, тушингиз яхшиликка бўлсин", дея уни юпатдим. Аммо, орадан уч-тўрт кун ўтиб, қўшним бизникига бир ҳолатда чиқди. Кўринишидан нимадандир хафа эди. "Тинчликми"? - деб сўрадим. У алам билан гапира бошлади:

- Кеча энди ухлагани ётаётсак, эшик қўнғироғи жиринглади. "Бемаҳалда ким бўлдийкин?" деб бориб эшикни очдим. Ўн саккиз ёшлардаги бир нотаниш қиз турибди. "Қўшниларингизнинг қизлари билан ўртоқ эдик. Мени уйига чақирганди. Ҳозир келсам, ўзлари уйда йўқ экан. Мен энди қаёққа бораман? Автобуслар ҳам қатнамай қўйди. Сизникида бир оқшом қолсам, майлими?" - деди. Қарасам, чиройликкина қиз. Мен уйга қўймасам, бечора қаёққаям боради. Безориларнинг қўлига тушса борми... «Ахир одамдан фақат яхшилик қолади, шу қизни уйга киритай»,- дедим. Чой ичириб, сўнг уйга жой солиб бердим.

Эрталаб азонда турсам, ҳалиги "меҳмон қиз" йўқ. Катта қизимдан: "У қиз кетдими?" деб сўрадим, у эса елкасини қисиб: "Сиз кўрмадингизми?" - дейди. Ҳайрон бўлдим. Бир вақт қизим ичкари уйдан югуриб чиқди. "Ая, менинг тилла тақинчоқларим жойида йўқ-ку! Сумкамдаги пулим ҳам йўқ", - деди. Мен шошиб-пишиб ўзимнинг чўнтакларимни қарадим. Ётишдан олдин ечиб халатимнинг чўнтагига солиб қўйган узугим ҳам йўқ. У қиз ҳаммамизни тунаб кетибди. Усталигини қаранг, бегона уйда қандай қилиб ярим тунда хонама-хона юрдийкин-а?! Мен содда бўлмасам, қайси қўшнимизникига келганини, ўзи қаерлик эканиниям сўрамай уйга киритаманми? Хуллас, бир товламачининг тузоғига тушиб, алданиб ўтирибмиз. Вой, ишонасизми, ҳалиги қизнинг ҳатто исминиям сўрамабман-а! Не қилай, айб ўзимда...

- Жонингиз соғ бўлса, буюм топилади. Келган бало-қазо шунга урсин, - дея қўшнимнинг кўнглига таскин берган киши бўлдим. Лекин, шунда бирданига у бир неча кун аввал "тушимда қора мушук кўрдим", дегани ёдимга тушди. Демак қора мушук - алдов экан-да!

**Чўлпоной МЕЛИҚЎЗИЕВА**

# ЭЪЛОНЛАР!

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2003 йил 6 майдаги 10-0304/1327 сонли Қарорига асосан, Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 31-сонли Броккерлик Идораси банкрот деб топилган ва унга нисбатан тугатиш ҳаракати бошланган.

Ишончли шахс этиб, Юнусобод тумани ДСИ вакили - Қодирова Д.А. тайинланган.

Тугатиш комиссияси манзили: Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчаси, 95 уй, Юнусобод туман ДСИ биноси, 5 хона. Мурожаат учун телефон: 137-54-85. Белгиланган тартибга кўра, корхонанинг топширилмаган муҳри ва бурчак тамғаси бекор қилинади.


**«ЎКТАМХОН» замонавий ўқув маркази курсларга таклиф этади:**

1.Тикиш-бичиш - 3 ой. Бошловчилар учун 6 ой. 2. Ҳамширалик - 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт машғулотлари ўтилади. 3. Компьютер - 2 ой. Курс WINDOWS-2000, MICROSOFT, OFFICE-2002. Якка тартибда, кафолатли. 4. Сартарошлик - 3 ой, амалиёти билан. 5. Тиббий массаж - 2 ой, амалиёти билан. 6. Торт ва турли пишириқлар- 2 ой, олий курс - 1 ой. 7. Парда, чойшаблар. Элита усулида замонавий тикиш - 1 ой. 8. Сартарошлик (Эркаклар учун) - 2 ой. Каштачилик - (машинада вышивка) - 3 ой. 9. Инглиз тили - 3 ой. 10. Зардўзлик (Бухороча)- 3 ой.

**Ўқишни тугатганларга диплом берилади. Ўқишга қабул ҳар куни.**

**Манзилимиз : Юнусобод тумани 3 мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод бозори орқасида. Тел: 125-97-93, 121-77-72, 125-46-27, 21-17-95. "Ўктамхон" ўқув маркази филиали Қибрай тумани, Ўнкўрғон маҳалласидаги 30-ўрта мактаб биноси ичида.**

**ХОЛИС - УМИД ўқув маркази таклиф этади·**

- Компьютер: Windows 98/2000/XP MS Office, WORD, EXCEL Internet E-mail
- Компьютер тилларни дастурловчиси Corel Draw11, Fotoshop 7/ AvtoCad 2002
- Компьютерларни таъмирлаш, йиғиш замонавийлаштириш
- Инглиз, француз, немис тили - бошловчи ва давом эттирувчилар
- Бухгалтерия компьютер билан янги ҳисоб бўйича ишлаш
- Массаж (умумий нуқтани соғломлаштирувчи)
- Сартарошлик (косметолог, маникюр, педикюр)
- Бичиш-тикиш (тўй ва оқшом либослари)
- Парда ва покривал (Замонавий Элита усулида)
- Торт ва салат (Келин-куёв тортлари)
- Фармацевтика
- Акушерлик
- Ҳамширалик

**ДИҚҚАТ: машғулотлар ҳафтада 3 марта олий тоифали мутахассислар томонидан амалиёти билан олиб борилади. Битирганларга диплом беради. Манзилимиз: 1. "Халқлар дўстлиги" метро бекати, Алмазар массиви дом 8/1. 2. «Амир Темур» м., Главпочтамт, «Ecosan».**
**Тел: 42-76-06**
**Диққат: фирмада Келин ва оқшом кўйлаклари ижарага берилади.**

**УРОЛОГ ВРАЧ, ДОЦЕНТ РЎЗМЕТОВ МЭЛС ҒОЗИЕВИЧ**

**ЭНУРЕЗ ҲАСТАЛИГИ БИЛАН ОҒРИГАН қовуғи бўш 10 ёшдан ошган ЎҒИЛ ва ҚИЗ болаларни БАТАМОМ ДАВОЛАЙДИ.**

Буйрак, қовуқ, простата бези касалликларини аниқлайди ва ДАВОЛАЙДИ.

Қабул вақти чоршанба, пайшанба, якшанба кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача.

**Манзил: Тошкент тумани, Генерал Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги, Бобоев кўчаси, 12-уй. "Чорсу" шоҳбекатидан 464, 469,522-автобусларнинг "Генерал Собир Раҳимов" бекатигача борилади. Телефон: 47-86-83. Лицензия рақами 3271**



Профессор Эргаш Салимов клиникаси барча турдаги аллергик, бўғин, ошқозон-ичак хасталикларини, касалманд, нимжон болаларни махсус усулларда даволайди. Бронхиал астма хасталигида гормонал дорилар қўлланмайди. Аллергик касалликларни аниқлаб, даволашда турли аллергенларни қўйиб синалади. Иш вақти соат 8 дан 17 гача.

**МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, Уйғур Хўжаев кўчаси, 4-уй, 10-хона. Автобуслар — 27, 35, 46, 53, 91. Трамвай — 8. 1-шаҳар клиникаси бекати. Тел: 49-43-33, 42-56-50.**

**"ОИЛА ЗИИНАТИ" МАРКАЗИ**
**Қизларни ва келинчакларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида қуйидаги ўқув курсларни ташкил этди:**



**2-ОЙЛИК**

- Бичиш-тикиш (тезкор гуруҳ), бир ой. "Элита" усулида пардалар, чойшаблар тикиш, (буюртма оламиз) бир ой. Торт ва салатлар тайёрлаш, бир ой. Компьютер билимлари, (Windows - 2000), бир ой. Массаж (амалиётга билан) бир ой. Оқшом либосларини безаш (гул ясаш) бир ой. Инглиз тили, (ўзбек ва рус тилларида), бир ой.

**3 ОЙЛИК**

- Кийимларни биссер билан безаш. Кўрпа, кўрпача ва тўн тикиш (буюртма оламиз) бир ой. Юмшоқ ўйинчоқлар ва бешик асбобларини тикиш, бир ой.

**4 ОЙЛИК**

- Бичиш - тикиш (бошловчилар учун), (буюртма оламиз) бир ой. Сартарошлик, косметология, бир ой. Машинада гул тикиш (кашта), бир ой.

**Машғулотлар амалиёт билан бирга қўшиб олиб борилади. Кам таъминланган оила фарзандларига чегиримлар бор. Битирувчиларга диплом-сертификат берилади.**

**Манзил: Халқлар дўстлиги бекати. Фурқат кўчаси, 1-уй. Спорт қўмитаси биноси ёнида, 2 қават 202 - хона. Телефонлар: 45-18-42, 29-28-58, 98-07-78**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**
**ТОШКЕНТ ШАҲАР УМКХТ БОШҚАРМАСИ ТАСАРРУФИДАГИ**
**ТОШКЕНТ ТРАНСПОРТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ**

**2003-2004 ўқув йили учун 9-синфни битирувчи Тошкент шаҳрида яшовчи йигит ва қизларни танлов асосида ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:**

**Ўқиш муддати 3-йил**

1. Метрополитен электр поездидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатувчи уста ( Машинист ёрдамчиси); 2. Метрополитен бекати ва бекат хўжаликларига хизмат кўрсатувчи уста ( Метро бекати навбатчиси, СЦБ ва алоқа электр механиги); 3. Бухгалтерия ҳисоботи; 4. Пайвандлаш устаси; 5. Компьютер тармоғи ва ЭҲМга хизмат кўрсатувчи уста; 6. Автомобильдан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш бўйича уста; 7. Солиқ солиш. Солиқ бўйича агент.

**2003-2004 ўқув йилига 11-синфни битирувчи Тошкент шаҳрида яшовчи йигит ва қизларни контракт асосида қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқишга таклиф қилади:**

**Ўқиш муддати 1-йил**

1. Метрополитен электр поездларига хизмат кўрсатувчи чилангарчилик (Машинист ёрдамчиси); 2. Метро бекати навбатчиси; 3. Солиқ олиш агенти, бухгалтер; 4. ЭҲМ оператори, бухгалтер

**ЎҚИШ ШАКЛИ КУНДУЗИ**

Ўқувчиларга ишлаб чиқариш амалиёти даврида ишлаб чиқаришдан тушган иш ҳақининг 50% берилади.

**Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:**

1. Ариза
2. Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт
3. Маълумоти ҳақида гувоҳнома (асл нусхаси)
4. Яшаш жойидан маълумотнома
5. 6 дона 3-4 фотосурати
6. Тиббий маълумотнома (286 форма)

**Манзилимиз: Чилонзор Д-20 даҳаси, 35-а уй. Автобус: 69, трамвайнинг 17нинг коллежи бекати. Тел: 116-21-74**


**Об-ҳаво маълумоти**

***Беш кунликда ҳаво очиқ бўлиб, ёғингарчилик бўлмайди. Республикамизнинг айрим туманларида ва Фарғона водийсида қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлади. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. 27 июн куни кечаси ҳарорат 18°-23°, кундузи 30°-35° бўлиб, 28-30 июн кунлари кечаси ҳарорат 15°-20°, кундузи эса 37° гача кўтарилади.***

# ИЖОДИЙ ҚУВОНЧ, ОМАД СИЗНИ СИРА ТАРК ЭТМАСИН, АЗИЗ КАСБДОШЛАР!



*Зулфия ЮНУСОВА — Ўзбекистон Мудофаа Вазирлигининг «Ватанпарвар» газетасида меҳнат қилади.*

***Зулфиянинг бир қатор ҳикоя ва мақолалари газетхонларимиз эътиборини қозонди. Унинг навбатдаги «Бойлик васвасаси» воқеий ҳикояси газетамизнинг ўтган сонидан бошлаб чоп этиляпти. Қуйида шу ҳикоянинг давомини ўқийсиз.***

Дилдора шу куни туни билан яхши ухлолмади. Кўзини юмди дегунча айқаш-уйқаш тушлар кўриб, зим-зиё қоронғулик қаърида унга чанг солмоқчи бўлаётган қора шарпалар тажовузидан уйғониб кетаверди. Фақат тонга яқин кўзи илиниб дадасини туш кўрди. У Дилдорага қордай оппоқ келинлик либосини келтириб: "Шуни тезда кийиб ол, қизим", дер эмиш. Севиниб кетган Дилдора уни кийгач, пардай енгил бўлиб самода учиб юрган эмиш. Туши якун топмай, онасининг:

- Тур, турақол қизим. Алламаҳал бўлиб қолди. Мен бозорга кетаяпман, - деган овозидан уйғониб кетди. Кўрган тушининг сеҳрида бир оз ўйланиб ётди. Дадасини эслаб кўзидан соғинч ёши қуйилди. "Оқлик яхшилик аломати. Балки дадам тез орада оиламизга қайтар", ичидан севинди у. "Дадам қайтгач балки Акмал акамларникидан..."

Ҳа, у тушидаги келинлик либосини совчилар бўлиши мумкин, деб ҳам ўйлади. Аммо негадир қалбининг ич-ичидаги қоронғулик тарқамасди. Бу ҳолатни тундаги қўрқинчли тушларининг касрига йўйди.

Онаси кеча келган меҳмон билан қандай қарорга келганлиги эса Дилдорага номаълум эди, ҳали. Заҳро Аброр акадан яна икки ҳафтага муҳлат олди. Яъни, янги йилгача қарзини қайтармаса олган пули эвазига эндигина ўн етти ёшга тўлган қизи Дилдорани унга беришга ваъда берган эди. Аёлнинг бу қарорини пулдор эркак мамнуният билан қабул қилди. Заҳро энди ҳовлисини сотиш ҳақидаги ҳаракатидан воз кечди. Аммо ноумид шайтон, деганларидек яқин-йироқ, таниш-билишларидан тиним билмай пул суриштирди. Лекин натижа чиқмади. Бу орада қарзи туфайли Аброр акага берган ваъдаси тўғрисида Дилдорага сўз очмоқчи ҳам бўлди. Бироқ, орзулари бир олам, маъсум чеҳрали қизининг беғубор кўзларига нигоҳи тушиши билан ундаги журъатдан асар ҳам қолмасди.

Эски йилнинг сўнгги кунида кечга томон яна Аброр ака келди. Бу сафар у жуда қатъиятли эди.

- Мен янги йилга қарз билан ўтишни истамайман. Қарз берган танишларимнинг олдига ҳеч қачон ўзим бормаганман ҳам, - у ичкарига кирмай ҳовлида туриб гапирарди Заҳрога, - Шунинг учун ўртамиздаги муомалани ҳал қилиб кетгани келдим.

Заҳро ўзидаги бор журъатни қўлга олиб қизини чақирди. Ошхонадан чиққан Дилдора онасига савол назари билан қараб турар экан, Заҳро унинг олдига шитоб билан борди-ю билагидан ушлаб Аброр аканинг олдига етаклаб келди.

- Ўша ваъда, ваъда. Рози бўлсангиз, мана қизим сизники, - деди қатъийлик билан. Нима гаплигини тушунмай ранги бўздай оқариб кетган Дилдора эса:

- Ойи нима деяпсиз, нималар деяпсиз? - дея қалтираб турарди.

- Яхши, мен розиман. Фақат қизингизга ҳам тушунтириб қўйинг. Эртага икки киши билан келиб, никоҳ ўқитиб олиб кетаман,- бошқа сўз қўшмай чиқиб кетди у.

Дилдора бу ишлар тушида бўлаяптими ёки ўнгида англай олмасди.

- Ойижон, менга раҳмингиз келсин, бу ишни қилманг, - онасининг оёқлари остига ташлади ўзини.

- Нега ҳовлида аюҳаннос солаяпсан. Қўни-қўшнилар эшитса нима дейди - қизини судраб уйга олиб кирди, Заҳро, - Берсам, фақат ўшанга бераман. Камбағал отангга тегиб, мен нима кўрдим, менинг қийналаётганим ҳам етади. Сен мол-дунё ичида яшайсан.

- Менга мол-дунё керак эмас. Дадамдан катта, неваралик одамга текканимдан, ўлганим яхши. Менга раҳмингиз келсин, - онасининг этакларига ёпишиб зорланиб йиғлади Дилдора.

Аммо, шайтонга шерик бўлган онага заррача бўлсин бу ҳолат таъсир қилмади. Тирик мурдага айланган қизини ичкари уйга олиб кириб: "Бироз ўзингга келиб ол, кейин эшикни очаман", - дея устидан қулфлаб қўйди. Қилаётган бу иши тўғрисида эса бирорта яқинларини ҳам огоҳлантирмади. "Бошимга ташвиш тушганда ким менга ёрдам берди?! Қиз меники, уни хоҳлаган одамга беришга ҳаққим бор", ўзини ҳақ деб ўйларди Заҳро. Туни билан ҳайкалдек забонсиз қотган қизининг олдига кириб узундан-узоқ насиҳатлар қилди. унинг назарида қизи анчайин кўниккандек эди, гўё.



(Воқеий ҳикоя)

Эртасига Заҳро бозорга бормади. Тўғрироғи, қизидан йироқлашгиси келмади. Ҳамма янги йил тараддуди билан банд, одамлар бир-бирини янги йил ташрифи билан қутлаётган бир пайтда Дилдора умри тугаётган бемордек нажотсиз ўтирарди. У нажоткори сифатида онаси билан тортишиб қолиб икки кундан буён уйга келмаётган акасини интиқ кутди. Аммо, бу ерда бўлаётган ишлардан бехабар акасидан ҳамон дарак йўқ. Онаси эса яна саноқли соатлардан сўнг тақдири ҳал бўладиган қизининг ҳар бир қадамини назорат қилиб турибди. Дилдора сўнгги бор ўзини қўлга олиб ошхонада нималардир пишириб куймаланаётган онасининг олдига кирди. Унга қарашгандек бўлди-да, чўнтагига гугурт солиб ошхона биқинидаги омборхонага ўтди. У ердаги акаси келтириб қўйган бензин Дилдора учун бу чорасизликдан қутулишнинг ягона йўли бўлиб кўринди.

Орзулари ўзидек гўзал, фаришта мисол қизни олов қиёфасидаги маккор шайтон бағрига босиш учун интиқ кутаётган бир пайтда, кўча эшиги томонидан таниш овоз эшитилди. Нажоткори бўлган бу товушдан бензинга бурканган Дилдоранинг қўлидаги гугурт сирғалиб ерга тушди. Ягона таянчи - отаси Абдусамат ака ўз густоҳлигини тушуниб етиб, янги йил арафасида, қизининг ҳаёти учун сўнгги дақиқалар бўлган бир пайтда фарзандлари бағрига қайтганди...

Исмоилжон АЛИЕВ кўп йиллар Андижон туманидаги Завроқ қишлоғи мактабида ўқитувчи бўлиб ишлади. Айни дамда аҳлоқ-одобга доир бир неча китоблар ёзди. Мақолалари туман, вилоят, республика матбуоти саҳифаларида муттасил чоп этилиб келинмоқда.



### ЧАРОС

Бизникига Маккаи Мукаррамадан меҳмон келди. Роса суҳбат қизиди. Савол-жавоблар бўлди.

Меҳмонларнинг энг каттаси дастурхондаги ноз-неъматларга тикилиб туриб деди: - Ёшим 90да. Тақдир тақозоси билан чет элларда дарбадарликда юрдик. 70 йилдан сўнг киндик қонимиз тўкилган муқаддас заминни кўриш насиб этди. Чиндан ҳам Ўзбекистон жаннатмакон юрт. Қаранглар, бу ноз-неъматларни!"

Отахон бир бош узумни олди, ўтирганлар эътиборини унга тортди:

- Буни қаранг, ҳай-ҳай...!

Меҳмоннинг қўлидаги бир бош узумга тикилган ёшлар бир-бирига қараб, дейишди:

- Бу узум "Андижон чўрни"ми?!

- Винний сортми?!

Меҳмон бу ёшларга ҳайрат билан тикилди:

- Биз чет элларда адашган ит каби санқидик. Кўп юртларда бўлдик. Бизга Она диёримиз қадри роса ўтди. Биз ҳамда болаларимиз ҳам ўз тилимизни хотирамизда тўла сақлаганмиз.

Бу узум "Андижон чўрний" эмас, "Винний сорт" ҳам эмас. Азизлар, бу — Чарос-ку, Чарос!

Мезбонлар меҳмонларга "Офарин-офарин!" дея ҳайрат билан қарашди.

### ТЎЙ ЭМАС...

Маҳаллада улуғ ёшдаги отахон оламдан ўтди. Отахонни охирги манзилга кузатиш учун жуда кўп одам йиғилди. Келганлар отахоннинг ўғилларидан-азадорлардан ҳол сўрашмоқда. Бир одам азадорларнинг кўнглига ботадиган гап қилиб қўйди:

- Отахон ҳам ўтибди-да! Неча ёшда эдилар?

- Саксон ёшга борган эдилар.

- Хафа бўлманг, отангиз улуғ ёшда ўтибдилар. Бу - уларнинг тўйи-да!

Азадор ўғиллар бу одамга бир қараб қўйишди-ю, бирон сўз дейишмади. Ёши улуғроқ бир одам ўринсиз гап айтган бу одамни чеккага тортди ва унга секин гапирди:

- Отадан ажраб қолган ўғил нега хафа бўлмас экан! Ёш одамлар ўтса оғир жудолигу, қари ўтса тўй эканми? Шу ҳам ҳамдардлик билдиришми?! Ўлим-мудҳиш фожиа. Ҳар бир одам — бир олам. Ёшми, қарими ўтган экан, демак, шу хонадон бир оламидан ажрабди. Такрор айтай: ўлим - бу тўй эмас! Яхши уқиб олинг!

**Исмоилжон АЛИЕВ**

***- Оилам, фарзандларим дея фидойилик билан яшаб келаётган аёлларимизни, онахонларимизни қаламга олгим келади,- дейди Андижон вилояти Асака туманининг "Асака ҳаёти" газетаси бўлим мудири Мукаррама ҒАНИЖОН қизи. - Ахир шундай инсонлар билан уйларимиз тўкис, файзлидир. Турли жабҳаларда ҳалол меҳнат қилиш баробарида бири-биридан қобил фарзандлар тарбия қилаётган, умр йўлдошини ишга кузатиб, ўзи ҳам жамоат ишига улгураётган аёлларимиз камми атрофимизда? Ана шулар ҳақида тўлиб-тўлиб ёзсам дейман.***

***Унинг "Соғинч титроғи", "Деразамни чертди кимдир", "Кечир қоракўз" китоблари чоп этилган.***

***2002 йили Мукаррама Ғанижон қизи (Холматова) мамлакатимиз Президенти Фармони билан андижонлик аёл журналистлар орасидан биринчи бўлиб "Ўзбекистонда хизмат кўртсатган журналист" фахрий унвонига сазовор бўлди. Мукаррама Ғанижон қизи ўткир қаламли журналист, ибратли оиланинг бекасидир.***



***Қуйида Мукаррамахоннинг мақоласини диққатингизга ҳавола этарканмиз, унга ижодий баркамоллик тилаб қоламиз.***

# СУЯКСИЗ ТИЛ АЗОБИ

- Исмингизни Гулчеҳра қўйиб ота-онангиз ҳам хўб адашибди. Сизга нима етишмайди? Ҳар куни қовоқ-лунжингиз осилган. Тилингиздан заҳар томади. Шу уйдан чиқиб кетайми? Чиқиб кетсам қутуламанми? - деди Одилжон астойдил куйиниб.

- Нима? Бош олиб кетаман? Мана бу чурвақаларни ким боқади? Хомтама бўлманг. Қўйиб ҳам қўймайман. Арз қилиб ишдан бўшатаман. Ошна-оғайниларингиз олдида бир пул қилмасам, отимни бошқа қўяман!- дея қўлларини мушт қилди хотин.

Одилжон бошини хам қилиб икки чаккасини кафтлари орасига олиб жимиб қолди. Шу пайт ўғилчаси нимандир эҳтиётсизлик қилиб тушириб юборди. Гулчеҳранинг чакаги яна очилди. Қарғади, қичқирди. Хуллас, оғзидан «боди кириб-шоди» чиқди.

Одилжон мана шу хотин билан ўн тўрт йилдан буён яшайди. Уч фарзанди бор. Ташкилотда раҳбар, обрўси яхши. Ҳар бир сўзни ўйлаб сўйлайдиган бу йигитни кўпчилик ёқтиради. Биров уни сўраб уйига телефон қилганини хотини эшитиб қолса дарров тескарисига буради. Битта гапга ўнта гап қўшиб, асабини бузади.

Гулчеҳрага нуқул кийиниш, пардоз-андоз, зиёфат бўлса кифоя. «Пешонам қурсин», деб пешонасига ургани урган. "Ўртоқларимнинг эри топиб тутиб, машина миниб, хотинини қўғирчоқдай қилиб юрибди, мен бўлсам ойлик пойлаб яшайман", - дейди ҳар икки гапининг бирида.

Сабр-косаси тўлган эр ҳаётига сўнгги нуқтани қўйишга қарор қилди. «Майли, мансабдан ҳам тушай, аммо мана шу тили заҳар хотиндан қутулай», - деди. Афсуски, Гулчеҳра осонликча ён бермади. Нарсаларини йиғиштираётган эрининг ёқасига осилди. "Дод-вой" солди. "Номард, пасткаш, боплаб бошқасига тегиб оламан", дея қўрқитмоқчи бўлди. Аммо Одилжон миқ этмади. Бир умр азобда яшаб умримни, асабимни кемиргандан кўра бева яшай қолай, деди-да, чиқди-кетди.

Йиллар ўтди. Одилжон уйга қайтмади. Бироқ сўраб-соғиниб келган болаларидан меҳр-мурувватини аямади. Хотини бир-иккитасига тегиб хор бўлганлигини ҳам эшитди. Болаларига онасининг тайинсизлиги қаттиқ таъсир қилди. Тўнғич фарзанд онасига уйдан бош олиб кетишини айтди. Ўртанчаси қишлоқдан — бувиси ҳузуридан келмай қўйди. Кенжа эътиборсиз, оч-наҳор, ранги сарғайиб эзилиб яшарди.

Одилжон эса ўз тенгини топиб яшаб кетди. Гулчеҳранинг харидорлари ҳам хайрлашди. Энди у ёлғиз ўзи қолди. Кечалари ухлай олмай ўзини қарғаб чиқар, бир пайтлар ғийбат қилиб, юзига қора суртган қўшнилар унинг ҳолидан хабар олар, бир коса овқат билан йўқларди. Кучдан қолиб, дардга мубтало бўлган аёлнинг кўзидан тинмай ёш оқарди. Атрофидаги одамларга тик кўз билан боқолмасди. Гоҳида: "Болаларим бор, эрим ориятли, ташлаб кетмай чидайди. Ажралишдан номус қилади, болаларим тирик етим бўлишига йўл қўймайди, деб ўйлабман. Бировга эмас, ўзимга жабр қилибман. Энди суяксиз тил азобида жону таним қоврилиб ўтаверади", - дейдида, ўксиб-ўксиб йиғлайди...

**Мукаррама ҒАНИЖОН қизи**

**Сувратчи: Хурсандбек АРАББОЕВ**

# КАПАЛАКЛАР НИМАЛАРНИ СЎЗЛАЙДИ?



**КИМ-КИМНИ КУЗАТАДИ?**

Баҳор ва ёз ойлари табиат гулларга бурканган бир пайтда, гулдан гулга қўниб учиб юрган ранг-баранг капалакларни кузатаркансиз, дунё ташвишлари хаёлингиздан кўтарилиб, қалбингизни меҳр-муҳаббат ва ширин туйғулар қоплайди. Уларни мен кузатаяпман дея ўйласангиз, хато қиласиз. Аслида-чи? Қадимдан хитойликларда бир нақл бор: "Сиз капалакни мен кузатаяпман дейсизми? Балки, аслида улар сизни кузатишаётгандир?



Тадқиқотчилар фикрича, аслида ҳам капалаклар бизни кузатишаркан ва кайфиятимиз, орзу-ўйларимиздан огоҳ эмишлар. Ҳа, албатта бу ҳайрон қоларли ҳолат. Бир соат ёки кўпи билан бир ҳафтагина умр кўрувчи жажжигина капалаклар наҳотки шу нарсага қодир бўлишса, дерсиз? Шу ожизгина мавжудотлар биз билмайдиган маълумотларни ҳам билишга, сезишга қодир экан. Яна бунинг устига келажакда кутилаётган хавф-хатар ёки хурсандчиликлар ҳақида бизни ҳам хабардор этишга ҳаракат қилишаркан.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, ҳар бир инсонни кўзга кўринмас ҳалқа - аура ўраб турарди. Ана шу ҳалқанинг ранги ҳар кимда ҳар хил бўлиб, капалакларгина уни кўриш ва сезиш қобилиятига эга.

Қадимдан капалаклар ҳақида ҳар хил ривоятлар юради. Инсон қаттиқ ухлаб қолса ёки ўлганидан сўнг жони чиқиб капалакка айланади ва бутун жаҳонни кезиб юради. Шу сабабли инсонлар орасида капалакларни ўлдириш билан, кимнингдир бевақт ўлимига сабабчи бўлиб қолиш мумкин, деган тушунчалар мавжуд. Айтишларича, эндигина ғумбагидан чиққан капалак қаёққа учишини, қаерга боришини жуда яхши биларкан. Ҳали ёруғ оламда пайдо бўлишга улгурмай қуёш нурлари, ой ёғдусига қараб ўз йўлини топа олади. Бунда антенналарга ўхшаган мўйловлари ёрдам беради.



**ЎЗ АУРАНГИЗ РАНГИНИ БИЛИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?**

Агар танангиз соғлом, руҳингиз тетик, кўнглингизда ҳеч қандай ташвишу ғаразингиз, ёмон фикрларингиз бўлмаса, табиат қўйнида тинчгина дам олаётган бўлсангиз, капалаклар ҳеч қўрқмасдан сизга яқинлашадилар. Улар ёнингиздан 10 см. яқинликдан учиб ўтадилар ёки келиб бирор жойингизга қўнишади. Тинч, мулойим, соғлом инсоннинг атрофини ўраб турувчи ҳалқасимон ауряси кенглиги танасидан 15-20 см. қалинликда бўлиб, капалаклар 10 см. яқинликда учганларида ана шу аура ичидан чўмилиб ўтишар ва бу уларга ҳузур бағишларкан. Сабаби бундай инсонларнинг аураси қуюқ, ранглари тиниқ ва жилоланиб турарkan. Бу жилоланиш капалакларни мафтун эткан. Агар инсон касалманд, жаҳлдор ва нотинч бўлса унинг аурасидаги нурлари рангсиз бўлиб, капалакларни ўзига жалб қилолмаскан.



Барчамиз тунги лампалар атрофида, яъни ёруғликка интилувчи капалакларни, кундуз кунлари гулларга қўниб, учиб юрувчи капалакларни, карамга ўч капалакларни, ширинликка ўч малла ранг капалакларни кўп кузатганмиз. Демак, капалаклар кўзлари билан эмас, балки ўзларининг мўйлов-антенналари билан ҳидларни, рангларни, шу жумладан, инсон аураси рангини ҳам жуда яхши сезишаркан. Масалан, агар сизнинг ёнингизга **ҳаво ранг капалак** учиб келса, аурангиз ҳаво рангига яқин бўлиб, кўнглингиз тоза, ўзингиз мулойим ва яхши инсон эканлигингизни билдирарди.

Тадқиқотчилар капалакларнинг инсонларга бўлган муносабатларига қараб, унинг атрофини ўраб турган аурасини ва ўз навбатида ўша инсоннинг характерини, соғлиғини аниқлаш мумкинлигини исботлашган. Масалан, **тўқ қизил, қора рангли капалаклар** ўзига ишонган, қатъий фикрли инсонларни тан олишаркан. Бу инсонлар ғайратли, шижоатли, ақл-идрокли, иродали, меҳнатсевар ва ҳаётсевар бўлишаркан.



Қўлларига, кифтларига **бинафша рангли капалаклар** қўнган инсонларда ҳар хил воқеа-ҳодисаларни олдиндан сеза билиш қобилияти кучли бўларкан.

**Кумушранг ёки кулранг капалаклар** кўпроқ романтик, хаёлпараст, орзу-ўйларга берилиб яшайдиган инсонларни яхши кўришаркан.

**Тилла ранг капалаклар** ўта меҳнаткаш, қатъий фикрли, хушёр инсонлар атрофида ўралашишаркан.

**Пушти рангли капалаклар** хаёлпараст, журъатсиз, маъсулиятсиз, бўш-баёв инсонларни хуш кўришаркан.

**Кўк рангли қора доғли капалаклар** кўпинча юмшоқ табиатли, ҳатто баъзида ўзини ҳам ҳимоя қила ололмайдиган инсонларни тан олишаркан.

**Капалаклар ичида оқ ранглилари** беғуборлик, тозалик рамзи эмишлар. Улар кўпроқ кўнгли беғубор, ҳалол, покиза, бировларга ёмонликни раво кўрмайдиган инсонлар атрофида парвона бўлишаркан.

**Сариқ рангли капалаклар** тўғри ва яхши инсонларни, **малла-пушти рангли капалаклар** дангаса, ҳиссиз инсонларни тан олишаркан.

**КАПАЛАКЛАР ҲАҚИДА ҚАДИМИЙ ХАЛҚЛАРНИНГ ФИКРИ**

Қадимдан славян халқлари капалакнинг қайси ўсимликка келиб қўнишига қараб ўз келажакларини аниқлаганлар. Эрталаб ҳовлига ёки далага чиқиб капалакнинг учишини ва қўнишини кузатганлар.



Агар капалак қўнғироқчалик (ландиш) гулларга келиб қўнса, демак бу йил пуллари кўп бўлиши кутилган.

Агар мойчечак ёки бошқа оқ гулларга қўнса, демак йил давомида ҳаётлари ёруғ, яхши кунларга бой бўлиши, дўстлари кўпайишини англашган.

Агар капалак мойчечак устига қўниб, қанотларини йиғиб олса, демак, қийинчиликлар ёки душманларни енга олишлари мумкинлигини, яхши хабарлар эшитишларини фаҳмлашган.



Агар капалак бинафша гуллари устига қўниб дам олаётган бўлса, бу хатолардан хабар бераётгани белгиси экан.

Қоқигул устида қўниб турган капалакни кўрган киши манман, жудаям ҳаволаниб кетиб, ўзини осмондаман деб юрган инсон бўларкан.

Пушти ранг гулга қўнган капалакни кўрган одам тез орада кимнидир қаттиқ севиб қолишига далолат экан.

Қизил гулларга ёки лолақизғалдоқларга қўнган капалакларни кўрган киши калондимоғ инсон эмиш.

**КАПАЛАКЛАРГА АЙЛАНГАН ХАЛҚ**

Қадим замонларда ажойиб бир халқ яшаган бўлиб, улар ғурурли ва бўйсунмас одамлар сифатида довруқ таратган эканлар. Кунлардан бир куни бу ҳалқнинг ерларини бошқа бир кучлироқ халқ босиб олиб, уларни қул қилмоқчи бўлибди. Ғурурли халқ қул бўлгандан кўра ўзларини капалакка айлантиришни Оллоҳдан сўрашган. Илтижолари ижобат бўлиб, улар ранг-баранг капалакларга айланишибди. Шу йўл билан Оллоҳ уларнинг эркини сақлаб қолибди. Яна ривоятда айтилишича, агар ана шундай капалаклар гуруҳини учратиб қолсангиз уларга озор бермасдан ўз эркларига қўйиб беринг экан. Бу эркин капалаклар ҳар бир инсонга яхшилик ва бахт келтираркан.

**ҚАНОТЛИ СОВЧИЛАР**

Ривоятларга кўра, қадимда руслар капалакларни "совчилар" деб қадрлашган. Уларнинг фикрича, вояга етган қиз боланинг уйига учиб келган капалаклар бир-бировларини севган йигит-қизларнинг юракларидан чиққан муҳаббат рамзи эмиш. Шунинг учун қадимда қишлоқ қизлари орасида "хон қизи" деб аталган қўнғизларни нон олиб келиши учун, капалакларни эса ўз севгилисига муҳаббат изҳор этиш учун учириб юбориш одат бўлган. Бунинг учун капалакни тутиб олиб, иккала кафтлар орасида авайлаб ушлаб туриб, унга бармоқлар орасидан: "Капалакжон, ўз севгилимга етишишимда ёрдам бер", дея шивирлаб айтиш, сўнгра учириб юбориш керак экан. Агар учиб кетаётган капалак тўғри ва равон учиб кетса, ширин тилакларни албатта ўз эгасига бориб етказади ва бир неча кун ўтиб албатта хушхабар эшитиш кутиларкан.

Агар капалак қанотлари лат еб, яхши ва текис учолмаса, бу ишдан ҳеч қандай яхши натижа чиқмас эмиш. Хуллас, капалакларнинг нияти яхшилик ва эзгулик экан.

**Л. АҲМЕДОВА тайёрлади**

---

# ҚУЁШЛИ КУН ЯХШИ, ЛЕКИН...

Маслаҳатхона

Ёзнинг жазирама қуёшли кунларида офтоб нурларидан тана терисини, қовоқлар ва ҳатто кўз ичидаги пардасини ҳам куйдириб олиш мумкин. Бундай куйиш қуёшга ёки пайвандлаш ишлари бораётган пайтда ундан чиқадиган ёруғликка тик қараш натижасида содир бўлади.

Айниқса болалар ўртасида: "Ким қуёшга узоқ вақт тик қарай олади",- деган баҳслардан кейин кўз пардасининг панжарасимон куйиши ҳолатлари учраб туради. Куйиш натижасида кўриш қобилияти бирданига пасайиб кетади. Агар шундай ҳолат юз берса тезда шифокорга мурожаат қилиб олдини олиш керак. Акс ҳолда куйишдан сўнг кўз пардасида чандиқлар қолиб, кўриш қобилиятини ўз аслига қайтаришнинг иложи бўлмаслиги мумкин.

Шунинг учун қуёшли кунларда, қуёшдан асровчи кўзойнакларни тақиб юрган маъқул. Болаларга эса кичиклигиданоқ қуёшга, ҳар хил кучли ёритгичларга қараш зарарли эканлигини тушунтириш лозим.

Қуёш нурлари инсон танасига тик тушиб таъсир этганида офтоб уриши, ҳаддан зиёд иссиқ ва димиққан хонада (ҳатто қиш кунларида ҳам) иссиқ уриши ҳолатлари содир бўлади. Офтоб ёки иссиқлик уриши кўпинча ёш болаларда, қари кишиларда ёки организми, асаблари ожизроқ инсонларда кузатилади. Инсоннинг танаси исиб кетади, боши қаттиқ оғриб, кўнгли айнийди. Зарарланган кишини соя ва салқин, шамол келиб, ҳаво алмашиниб турадиган жойга ёткизиш керак, сўнгра тезда каттароқ матони ёки чойшабни совуқ сувда ҳўллаб қўлтиқлари, бўйни оёқлари орасини артиб, бошига намланган сочиқни қўйиш лозим. Унча совуқ бўлмаган минерал сув ичириш керак.

**Лола АҲМЕДОВА тайёрлади**

---

# ҲАР НАРСАНИНГ ЎРНИ БОР...

ШУ КУННИНГ ЮМУШЛАРИ

Ёзнинг ғанимат кунларида ҳар куни ҳар хил мевалар пишиб етилади. Шу дармон-дорига бой меваларнинг ҳар биридан шарбатлар, компотлар, мураббolar пишириб олишнинг эса айни пайти. Малинадан, тутдан ёки қорағатдан компот қилмоқчи бўлсангиз банка ёки қопқоқ учун пул сарфламасликнинг энг осон икки йўлини айтаман.

Табиийки, ҳар биримизнинг уйимизда тўй ва байрамларда турли ичимликлар истеъмол қилинади. Бўш шишалар эса аҳлатхоналарга ташлаб юборилади. Мен эса ароқдан бўшаган, бураб ёпиладиган қопқоғи бор шишаларни яхшилаб ювиб олиб қўяман. Нега дейсизми? Малина ва тут, қорағат компотини шу идишларга тайёрлайман. Бунинг учун шишаларни қайноқ сув билан чайиб ташлайман. Сувини силқитгач, ичига керагича қорағат, малина ёки тут солиб устига шакар қиёмини қуяман. Одатдагидек 5-10 дақиқа буғлайман-да, қопқоғини маҳкам бураб беркитиб ташлайман. Шундай қилиб оила бюджетини тежашнинг янги йўлини топдим. Мен учун бу жуда қулай ва арзонга тушади.

Майонездан бўшаган идишчаларни ҳам ташлаб юборманг. Уларга турли мураббоOларни солиб қопқоғини маҳкам беркитиб қўйсангиз 2 йилгача бузилмасдан сақланади. Сиз эса мураббо солиш учун ишлатадиган банкаларингизни турли тузламалар тайёрлашга ишлатишингиз мумкин. Эҳтимол, бу гаплар майда-чуйдадек туюлар, аммо, "Ҳайт, деган туяга мадор", - дейишади. Оз бўлса-да шуларга сарфланадиган пулни тежайсиз. Тежоғлик уй эса ҳамиша бежоғлик, шундай эмасми?

**ҲАМИДА**

## САВОЛ — ЖАВОБ

**1. 6 ёшли ўғлим болалар боғчасига қатнайди. Ундан ташқари мактабгача бўлган гимназия ҳамда мусиқа ўқитувчисидан сабоқ ҳам олади. Олдинига ўзлаштиришлари ёмон эмас эди. Кейинги пайтлар боғчага ҳам, ўқишга ҳам инжиқлик қилиб зўрға боради. Ўзимни хатога йўл қўйгандек сезаяпман. Айтинг-чи, нима қилсам тўғри бўлади?**

**НАРГИЗА**
**Тошкент шаҳри**

Яхшилаб ўйлаб кўринг-чи, 6 ёшли ўғлингизнинг сиз айтган тартибда ўқиб ўрганишга вақти, қолаверса, қурби етаяптимикин? Яхшиси, у очиқ ҳавода дўстлари билан мазза қилиб ўйнаса қандай бўларкин?

Яқинда болангиз биринчи синфга боради. Мактаб шароитига ва атрофидаги ҳаётга кўникиши керак. Ўғлингиз мактабга боришидан олдин тўйиб ҳордиқ чиқаргани маъқул.

**2. Беш ёшли ўғлимни қўшнимнинг ити тишлади. Қандай биринчи ёрдам кўрсатишни билолмай қийналдим. Оналар бу ҳақда билиб қўйса ёмон бўлмас эди.**

**САРВИНОЗ**
**Наманган вилояти**

Фарзандингизни ит тишлаб олган бўлса ва қон кетаётган бўлса қонини тўхтатишга шошилманг. Қон оқиши натижасида итнинг сўлаклари ювилади ва танага микроблар тушиш эҳтимоли камроқ бўлади. Бироздан сўнг ит тишлаган жойни перекис водородли эритма билан яхшилаб ювиш керак. Агар ўша пайтда перекис водород бўлмаса оддий совунли сув билан ювиш ва яра устига зеленка суртиб қўйиш тавсия этилади. Спирт, одекалон, йод ва ҳоказолардан фойдаланмаслик керак. Сўнгра ярани тоза бинт билан бойлаб, албатта шифокорга олиб бориш керак.

**3. Қизим 13га тўлди. Нима олиб берсам ҳам унга ёқмайди. Албатта бирор жойини ўзгартириб, кейин кияди. Ҳайронман, нима қилсам экан?**

**МАҲБУБА**
**Тошкент шаҳри**

13 ёшда қизлар ўзларига қулай ва замонавий кийимларни танлай олишади. Сизнинг дидингиз унга тўғри келмаслиги табиий. Энди қизингиз билан нарса харид қилишга бирга боринг. Олдин унинг талаб-истагини инобатга олинг. Одам қоматидан келиб чиққан ҳолда ўзига ярашадиган кийимни кийсагина гўзал кўриниши мумкинлигини секин-аста тушунтиринг. Қизингиз кийимларини ўзига мослаб ўзгартиришига келсак, менимча бундан хурсанд бўлиш керак. Балки бичиш-тикишни ўргатсангиз, ундан яхшигина чевар чиқиб, ўзига керакли кийимларни қойиллатиб тикадиган бўлар.

**4. Уч яшар қизчам ҳар хил мунчоқлар, тугмачалар ва бошқа шунга ўхшаш нарсаларни яхши кўриб ўйнайди. Мен бунга рухсат бермай олиб, бекитиб қўяман. Лекин, у албатта шунга ўхшаш нарсаларни топиб олиб ўйнайверади. Бундан жуда-жуда қўрқаман. Бу нарсаларни қулоғига ёки бурунчасига тиқиб қўйиши мумкин-ку...**

**ШАҲОДАТ**
**Самарқанд шаҳри**

Аввало фарзандингизга бу буюмларни бермасликка ҳаракат қилинг ёки ўйнаганда ҳам эҳтиёт бўлиш кераклиги ҳақида тушунтиринг. Агар шунда ҳам мунчоқ ёки тугма қулоқчасига кириб қолган бўлса, дарров ваҳимага тушманг. Болангизга қулоғида буюм бор томонини мумкин қадар пастга энгаштириб, бир оёғида сакрашни буюринг. Агар тушиб кетмаса ўзингизча олиб ташлашга уринмасдан дарҳол шифокорга олиб боринг.

Агар буюм бурунчасига тиқилган бўлса, очиқ томонини бармоғи билан бекитиб, бошқа томонини қаттиқ қоқишини буюринг.

**5. Ўғлим иккинчи синфда ўқийди. Жуда шўх. Унинг кетидан мактабга боришга юрагим йўқ. Ўқитувчиси мени кўриши билан ўғлимни ёмонлашга тушади. Ҳар куни боламни тергайверсам, охири нима бўлади?**

**ЮЛДУЗ**
**Тошкент шаҳри**

Ўқитувчига: "Майли, бу масалада ўғлим билан уйда гаплашаман", - деб айтинг-да, лекин зинҳор "уйда жазосини бераман", - дея кўрманг. Айниқса болангиз олдида. Бу билан уни ўқитувчи олдида ерга урган бўласиз. Ўғлингиз билан гаплашинг. Хатосини яхши гап билан тушунтириб қўйинг. Болалигидан тўғриликка ўргатинг.

**6. Болам эндигина 3 ёшга тўлди. Лекин гапиришга қийналяпти. Шифокорлар онги ҳали яхши ривожланмаган деб, уни махсус (логопедик) боғчага беришимизни маслаҳат беришаяпти. Нима қилишга ҳам ҳайронман?**

**ЗАРИНА**
**Самарқанд вилояти**

Кўпгина болаларда бундай ҳолат кузатилади. Бунга эса сабаблар кўп. Шулардан асосийлари -катталарнинг бола билан кўп гаплашмасликлари ва ёки уйда ҳар хил тилда гапиришлари ҳам сабаб бўлади. Шифокорнинг болани махсус болалар боғчасига бериш керак, деган маслаҳати тўғри. Махсус боғчаларда нутқ равон бўлиши учун яхшигина шароит яратилган. Ўзингиз ҳам фарзандингиз билан кўпроқ сўзлашинг. Китоблар ўқиб беринг. Мультфильмларни бирга томоша қилиб, бу ҳақда суҳбатлашинг. Болангиз ҳар бир сўзни тўғри айтиши ва талаффузи ҳам равон бўлиши учун аввало ўзингиз у билан сўзларни бузмасдан, гаплашинг.

**7. Қизчам 1,5 ёшда. У қизчалардан фарқли равишда қўғирчоқ ўйнашга қизиқмайди. Ўғил болаларга хос ўйинларни яхши кўради. Ундаги бу ҳолатни қандай тушунса бўлади?**

**НИГОРА**
**Андижон шаҳри**

Бу ёшда ҳали болалар ўзларининг ўғил ёки қиз эканликларини идрок этолмайдилар. Кези келганда бир қизиқ мисол келтираман. Қўшнимнинг 4 ёшли қизчаси ва 2 ёшлардаги ўғилчаси бўлиб, қизчаси нимаки қилса ўғли ҳам шуни қиларди. Опачаси кўйлак кийиб, сочларига ленталар тақса, у ҳам албатта куйлакча кийиб, лента тақарди, қўғирчоқ ўйнарди. Қўшним болаларини боғчага берди. Опачаси кўйлак кийиб бораётганлиги учун, ўғли ҳам қиз бола кўйлагини, колготкини кийиб, сочларига лента тақиб боғчага борибди. Болалар унинг кимлигини билиб қолиб: "Вой, ўғил бола экансан-ку. Нега қизларнинг кийимини кийиб олдинг?" - дея кулишган экан. Уйга келгандан сўнг ойисига: "Ойижон, дарҳол бу кийимларни ечиб олинг. Мен ўғил боламан, бундан кейин ҳеч қачон қизларнинг кийимини киймайман", - дебди.

Шунинг учун сира ташвишланманг. Албатта бир куни қизингиз қўғирчоқлар ўйнайдиган даври келади. Ўзингиз ҳам унга қўғирчоқ ўйнашни ўргатинг.




**8. Уч ойлик чақалоғимни кўкрак бериб эмизарканман, сутим тобора камайиб бораётганини сезаяпман. Баъзи бир бола ўстирган таниш оналар энди дўконларда сотиладиган сутли бўтқалар билан боламни овқатлантиришим лозимлигини, ана шунда бола ҳам тўқ бўлиши, ўзим ҳам дам олишим мумкинлигини маслаҳат беришаяпти.**

**Мен эса бундай ўйламайман. Табиат аёлга оналикни бахш этибдими, бола учун ҳам сутни беради деган фикрдаман.**

**ГУЛЧЕҲРА**
**Тошкент шаҳри**

Она сути табиатнинг энг буюк мўъжизаси. Бугунги кунда кашф этилаётган турли сутли аралашмалар таркиби она сутига нақадар яқинлаштириб тайёрланган бўлмасин, барибир унинг ўрнини тўлиқ босолмайди. Биринчидан, сутли аралашмаларда она сутида мавжуд бўлган бебаҳо муҳофаза этувчи омиллар етишмайди. Иккинчидан, сигир ва эчки сути оқсиллари барибир она сутига қараганда катта фарқ қилади. Учинчидан, сунъий эмизишда бола ва она ўртасидаги илоҳий муносабат содир бўлмайди.

Ҳамма яхшиликлар болага она сути орқали ўтади. Она ҳеч бўлмаса болани 1-1,5 ёшгача кўкрак сути билан боқиши, олимларнинг фикрича 6 ойлигича она сутидан баҳраманд бўлиб ўсган бола нафақат асаблари тинч бўлади, балки шамоллаш, аллергия, камқонлик касалликларига камроқ чалинади.

Кўкрак билан болани эмизиш она учун ҳам аҳамиятлидир. Бунинг натижасида онанинг танасидаги туғруқ асоратлари тезроқ битади, аёлларга хос касалликлар олди олинади. Агар касаллиги бор (масалан, бачадон миомаси, мастопатия) бўлса, болани узоқ вақт эмизиши оқибатида ўз-ўзидан йўқ бўлади. Табиатнинг мўъжизасини қарангки, гўдагига бебаҳо неъматни бахш этаркан, она ҳам касалликлардан фориғ бўлади.

Табиат берган бу неъматидан сўнгги томчисигача қандай олиб фойдаланиш мумкин? Агар сиз кўкрагингизда сут камайиб бораётганини сезсангиз, дарров ваҳимага тушманг, бўлмаса сутингиз батамом қочиши мумкин. Дарҳол сутни кўпайтиришнинг тажрибада синалган чора-тадбирларини кўринг.

Ёнғоқли сут. Бир стакан арчилган ёнғоқни олинг ва термосга солиб устидан 1 литр қайнаб турган сигир сутини қуйинг, қопқоғини 8-4 соатга ёпиб қўйинг. Ана шуни кунига ярим стакандан 6 марта, болани эмизишдан ярим соат олдин ичинг. Термос тубида қолган ёнғоқларни эрингизга беринг. Ёнғоқ ёғини гўдак ҳазм этолмайди. Ерёнғоқни каби турли донакли егуликлардан сақланинг. Улар туфайли гўдак аллергияга чалиниши мумкин.

Сутни кўпайтирувчи шифобахш ўтлардан тайёрланган чой: ялпиз, крапива, зира, арпабодиён (шивит уруғи)ни бир хил миқдорда олиб аралаштиринг. Бу аралашмадан икки чой қошиғини бир стакан қайноқ сув билан бирга чойнак ёки термосга солинг. Тинсин. Сўнг докадан ўтказинг. Ҳар гал эмизишдан ярим соат олдин ичинг. Агар ўзингизда ёки гўдакда аллергия бўлмаса, бу аралашмага бир чой қошиқ асал ёки лимон сувидан қўшинг.

Агар, сутингиз ошиб-тошаётган бўлса, уни ҳаргиз соғиб ташламанг. Стерилланган идишга қуйинг-да, қопқоғини ёпиб, музлатгичнинг музхонасига тиқинг. Шу ҳолатда сут уч ойгача сақланиши мумкин.

**Л. АҲМЕДОВА ва М. КАРИМОВА**
**тайёрлади**

## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04).** - Янги ишни бошлашдан аввал оила аъзоларингиз билан маслаҳатлашиб олинг. Келишиб қилган ишингиз туфайли шу ҳафта яхшигина даромадга эга бўласиз.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Сизни умидсизлик тарк этмайди. Бироқ, дам олиш кунларингиз ажойиб ва кўнгилли ўтади. Чоршанба сиз учун харидлар кунидир.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** - Кутилмаган янгиликлар эшитасиз. Аммо, буларга нисбатан шошмасдан фикр билдиринг. Акс ҳолда, уялиб қоласиз.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).**- Ҳозирча сафарга чиқмай туринг. Бор кучингизни меҳнат қилиш ва изланишларга бағишланг. Сешанба омадли кун.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Ҳафта хотиржам кунларни бахш этади. Жума куни біровнинг маслаҳатига кириб бироз асабингиз бузилиши мумкин.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Моддий етишмовчиликларингиз барҳам топади. Қўлингизга катта пул тушади. Ўйлаб иш тутинг, акс ҳолда, яна етишмовчиликлар гирдобида қоласиз.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Ҳафта тинч ўтади. Лекин анча толиқасиз. Пайшанба куни дам олинг. Сўнг ишга янада қаттиқроқ киришинг.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** Бошқаларнинг ишига аралашаверишингиз ишингизга путур етказади. Яхшиси ўзингизга берилган ишларни қойилмақом қилиб бажаринг.

**ЎҚОТАР (23.11 — 21.12.).** - Ушбу ҳафта тижоратчилар учун омадсиз келади. Аммо, оила аъзолари ва дўстлар билан мириқиб дам олиш учун қулайдир.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01).** - Ҳафтанинг пайшанба куни тақдир сизга кутилмаган туҳфа инъом этади. Аммо, якшанба куни арзимаган гап учун оилангизда келишмовчилик чиқади.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).**- Ҳафтанинг охирида сиз ёқтирмаган инсон тўйга таклиф этади. Албатта боринг. Аслида у жуда самимий ва сизни қаттиқ ҳурмат қилади.

**БАЛИҚ (19.02 — 20.03).** - Масъулиятли ишларни бажарасиз. Бу сизнинг мавқеингизни мустаҳкамлаб, ишларингизга барака ато этади. Келган омадни тутиб қолиш фақат ўзингизга боғлиқ.

